

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИБ НАШРИ

№ 22 (3394)

2001 йил 31 май, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош мухаррир минбари

ИЖТИМОЙ СОҶА – БОШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон жаҳонга ўзининг кўпгина ҳайратланарли фазилатларини намойиш этди. Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг илк босқичларида эришган муваффақиятларининг моҳиятини англашга интилиб, келгуси тарихчиларимиз, айтилик, куйидаги саволларга, албатта, жавоб излашади: “Бир ёқлама фақат пахта етиштиришга асосланган ва минерал хом ашё бойликларида мутлақо назоратсиз, ваҳшиёна фойдаланишга асосланган иқтисодий қандай қилиб қисқа муддатда бозор муносабатлари йўлига солиб юборишга муваффақ бўлди? Бу Марказий Осиё мамлакатидан нима учун собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўпгина республикалардан фарқи равишда ижтимоий силкинишлар содир бўлмапти? Жаҳонда ва минтақада ғоят мураккаб жараёнлар содир бўлаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти қандай қилиб мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни сақлашга муваффақ бўлди?”

Агар келажак тарихчиларига фақат тезкор ва моҳирона ечимлар орқали республикамиз умумжаҳон эътирофига сазовор бўлган бу ва бошқа кўпгина саволларни ойдинлаштирувчи жавоблар излашларига тўғри келса, бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг табарруқ замида яшовчи замондошларимиз ўз етакчилари – Президент Ислам Каримов раҳбарлигида келажак буюк давлатнинг асосларини барпо этиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Ишончим комилки, тарихчиларнинг жавобларига қараб, ўзбекистонликларнинг келгуси авлодлари ўз Ватанлари мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб болаларга улкан ғамхўрлик кўрсата бошлаганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Аслини олганда мамлакатда нимаки қилинаётган бўлса, болаларимиз бахт-саодати учун, уларнинг буюк келажакини кўзлаб амалга ошириляпти. Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кун арасида шунини таъкидлаш мумкинки, мустақил Ўзбекистонимизда ўғил-қизларимиз маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари, улар халқимизнинг қадимий анъаналари ва урф-одатларини қадрлашлари, ҳар томонлама билимдон бўлиб ўсишлари ва ҳамиша давр билан ҳамқадам боришлари, асл ватанпарварлар бўлиб етишишлари учун барча зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Мустақиллик ва тараққиёт йўлининг энг дастлабки қадамларидан бошлаб, мамлакатимиз инқилобий ўзгартиришлар усулини қатъиян рад этди. У ислохотларнинг тадрижий ривожланиш йўлини танлаб олди. Республикаимизнинг ўзига хос шароитини, халқнинг тарихий ва миллий хусусиятлари ва менталитетини ҳисобга олганда, бу йўл айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Шу йўлдан изчил бориб, мамлакат раҳбарияти иқтисодий ислох қилиш ва жамиятимизни янгиланишнинг “Ўзбекистон модели” қоидаларини қадам-қадам ҳаётга жорий этиб бормоқда. Бугун ҳаётнинг ўзи, ислохотларнинг бориши ва дастлабки натижалари барча соҳаларда танланган йўлимизнинг ва унинг замирини ташкил этувчи асосий қоидаларнинг тўғрилигини кўрсатмоқда.

Ислам Каримов таъкидлаганидек, айни ислохотларнинг босқичма-босқичлиги, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг энг муҳтож қатламларини ҳимоялаш билан уйғун равишда амалга ошириляётган демократиялаш ва бозор ислохотлари йўлидаги изчилик ҳамда оғишмай илгарилаб бориш мамлакатимизда амалга ошириляётган ўзгартиришлар ижобий натижаларини, улар қўллаб-қувватлашни ва эътироф этилишини олдиндан белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг илк ўн йиллиги, унинг ютуқлари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, айтишимиз мумкинки, ўтган йиллар бизга кўп жиҳатларни ойдинлаштириб берди ва бизларни кўп нарсаларга ўргатди. Биринчидан, биз собиқ иттифоқ мамлакатларидан фарқи равишда кўплаб майллар ва ўз-ўзига маҳлиё бўлиб қолиш ҳолатларидан ўзимизни тия олдик. Ўзбекистон раҳбарияти сўзда эмас, амалда бир тузумдан инсоният тарихида мутлақо янги тузумга ўтиш шароитида – маълумки, бу жараён ҳеч қачон силлиқ, зиён-заҳматсиз ва муайян ижтимоий силкинишларсиз ўтмайди – кишиларнинг ўз куч-қуввати ва имкониятларига ишончларини мустаҳкамлай олди. Ва бу, энг аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазаланиш масалаларини олдиндан ҳал қилиш, одамлар ўзлигини намоён этиши учун ҳуқуқий шароитлар яратиш орқали рўйга чиқарилди.

Энг муҳими, ва бунини ҳеч қим рад этиши мумкин эмаски, мустақилликнинг реал ютуқлари одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтирди, уларнинг ҳаётимизни ислох қилиш ва янгилаш зарурлигига, ўз мамлакатларининг буюк келажакига ишончларини мустаҳкамлади.

Бирок бу муваффақиятларимиз осон, ўз-ўзидан, бамисоли сеҳрли таъқининг мўъжизаси орқали қўлга киритилганлигини асло англамайди. Утиш даврининг ғоят мураккаб шароитларида, ўзимиз яшаб турган палланинг қийинчиликлари ҳусусида арз-дод қилмасдан, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи ўз етакчиси – Президент Ислам Каримов раҳбарлиги остида ўзининг бугунги ҳаёти ва келажакини, ўз қўллари билан барпо этмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида биз фақат илгариги ниҳоятда ғоявийлашган тоталитар тузум асоратларини бартараф этибгина қолмасдан, балки жамият ва давлат қурилиши ҳамда бошқаруви, иқтисодиёт, молиявий ишлар ва пул муомаласининг янги тизимини барпо эта олдик, янги маънавий қадриятларнинг устуворлигини таъминладик. Шунинг учун биз бугун тараққиёт йўлидан илгарилаб боришимизга тўсқинлик қилмоқчи бўлганларга шунини қатъий айта оламиз: бузукнинг югургани сомонхонага, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, биз нимани ва кимни ҳимоя қилишимизни биламиз. Ўзбекистонликлар хотиржам ва тинч яшашларини таъминлаш учун бизда янги миллий армия ташкил этилди, у мамлакат сарҳадлари ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир. Давлатимизда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш тизими ҳам янгича нуқтаи назарлар ва қоидалар асосида барпо этилди.

Ўзбекистоннинг шонли ўғлонлари ҳар қандай хавф-хатардан ўз халқини ва она заминини ишончли ҳимоя қила оладилар.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун



СУТ КАБИ ПОК, ҚУЁШДЕК ҚАЙНОҚ...



Раҳмат деймиз сизга яна ва яна,
Борингизга шукр, эй буюк она!

Бошда бир болани тарбиялашни кўнглига туккан Раҳима
опа бирин-кетин беш чакалоқни бағрига олди...

3



Таниқли режиссёр, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган маданият
ходими Мираббос Мирзаахмедов
“Tabassum” меҳмони

ҲАЯЖОНЛИ ДАКИҚАЛАР
ИЛНОЖЯҚ



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшин-
лари йиғитлари ҳарбий қасамёд қабул қилдилар.

Tabassum + TV

КРОССВОРД, СКАНВОРД, ТЕСТ, ҲАЖВИЯ, МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ...

Халқаро алоқалар

ФРАНЦИЯЛИК ҲАМКАСБЛАР МУНОСИБ БАҲО БЕРИШДИ

Газетамизнинг аввалги сонида мамлакатимизга Франция полицияси халқаро техник ҳамкорлик хизматининг Марказий Осиё бўйича масъул ходими Ж. Лакур ва Канн шаҳридаги хизмат итларини ўргатиш бўйича миллий Марказ йўриқчиси Д. Форсетъелардан иборат делегация ташриф буюргани хақида хабар берган эдик.



Франциялик мутахассисларнинг юртимизга келишидан кутилган асосий мақсад кинология тайёргарлиги соҳасида тегишли лойиҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама қилишдир. Франци-

ялик ҳамкасблар Тошкент шаҳар ИИББ, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона ва Андижон вилоятлари ИИБлари кинология хизмати, шунингдек, республика Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини қўриқлаш бўйича Кўмиталардаги шунга мос хизматлар фао-

лияти билан яқиндан танишдилар. Ташриф ниҳоясида республика Ички ишлар вазирлигида учрашув бўлиб ўтди. Ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Б. Парпиев бошқарган ушбу учрашувда юқорида тилга олинган франциялик мутахас-

сислардан ташқари Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Жан-Андре Кости ва элчихона маслаҳатчиси А. Томазинилар иштирок этишди.

Суҳбат чоғида Б. Парпиев меҳмонларга республика ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб, криминоген вазият бўйича маълумот берди. У ўтган йили ҳукуматимизнинг ИИБда кинология хизмати ривожлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилгани, хусусан, хизмат инфраструктураси сезиларли даражада кенгайтирилгани, хизмат итлари сони кўпайгани ва улардан республика ички ишлар идоралари ходимлари кундалик фаолиятларида тез-тез ва самарали фойдаланишга эришилгани таъкидлади.

Бу айниқса гийҳвандлик моддаларини ташишга уриниш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва олдини олишда яққол кўзга ташланмоқда. Қорақалпоғистон республикасида гийҳвандлик моддасининг йирик тўплами

— 60 килограмм героин қўлга олингани бунинг ёрқин мисолидир. Ана шу юк автомашинада Афғонистондан Туркманистон ва Ўзбекистон орқали Россияга жўнатилаётган эди. Ҳозирда кинологлар ва хизмат-қидирув итлари тоғ шароитида қуролланган жиноятчиларга қаршилик кўрсатиш, террорчилик ҳолатларини аниқлаш инobatта олинган ҳолда тайёрланмоқда.

Милиция генерал-майори Б. Парпиев кейинги пайтда Франция ва Ўзбекистон ИИБлари ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланиб бораётгани, ушбу ташриф ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти, шу жумладан, кинология хизмати йўналиши бўйича ўрнатилган ҳамкорлик янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Франциялик мутахассислар ўзларига Ўзбекистон Республикаси ИИБ кинология бўлинмалари иши билан яқиндан танишиш имконияти берилгани учун миннатдорчилик изҳор этишди. Улар ушбу бўлинмаларнинг моддий-техника жиҳозланиши, кинологлар маҳорати, хизмат итларининг сони ва уларни тайёрлаш даражасига юқори баҳо бериб, жойлардаги мулоқотлар чоғида барча сами-

мий ва яқдиллик билан кутиб олганини айтишди. Яқинда Жиззах вилояти ИИБда қурилган кинология Маркази катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар қайси бўлинмада бўлишмасин, ходимлар шароити ва итларнинг сақланишини яхшилашга қаратилган таъмирлаш ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдилар.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-Андре Кости Франция полицияси ходимлари ташрифининг дастури синчиклаб ишлаб чиқилгани ва ўзбекистонликларнинг фаоллиги туфайли муваффақиятли амалга оширилганини айтиб ўтди.

Айни пайтда келгусида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида дадил қадмалар қўйилмоқда. Шу муносабат билан Марказий Осиёда Франция ИИБ ваколатхонаси бюроси очилиши мўлжалланмоқда.

Суҳбат давомида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар, хусусан, ўзбекистонлик мутахассислар учун Франция ИИБ кинология Марказида ўқув ташкил этиш имконияти муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳаяжонли дақиқалар



Кунни кеча ҳам ифтихор, ҳам хавотир ила фарзандларини йигитлик бурчини ўташга кузатган жуда кўп ота-оналарнинг юз-кўзида бугун фахр ва қувонч порлайди. Улар ўғиллари бўй етиб, Ватанимиз, халқимизнинг ҳақиқий посбонлари, суянчилари бўлишга қасамёд қилишларига гувоҳ бўлиш учун ўғиллари хизматни бошлаётган ҳарбий қисмга келганлар.

Карнай-сурнай садолари остида ота-оналар ҳарбий бўлинма ҳовлисида таклиф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари

Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, полковник М. Фозилов текис ўсган ниҳолдек қад ростлаган йигитларни ҳарбий қасамёд қилишга шайлигини билдиради.

— Ҳарбий қасамёд — жангчи учун маънавий ва жанговар қонундир. У жангчининг Ота-Ватанга бўлган муқаддас туйғуси, меҳру муҳаббатини ифодалайди, — деди Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров ёш аскарлар ва йиғилганларни тантана билан табриклаб. — Қасамёд жангчидан интизомли бўлишни талаб этади. Интизом — Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятининг негизи, қўшинларнинг жанговар шароитда муваффақиятли ҳаракатининг асосий шарти ҳисобланади...

Бугунги қасамёдингиз сизнинг қалбингизда яна шу билан умрбод сақланадики, сиз Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги катта тантаналар билан қутилаётган, бўлинма ташкил топган кун нишонланаётган бир пайтда Ватанга содиқ фарзанд бўлишга қасамёд қилмоқдасиз. Ишончим комилки, сиз Ватанимизни ҳимоя қилишдек фахрли, масъулиятли вазифани виждонан бажариб, юртимизнинг бутуни ва келажаги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиб, Қоровул қўшинларининг жанговар тайёргарлигини юксалтиришга ҳисса қўшасиз.

Ёш аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қила бошлайдилар. Бу манзарани ҳаяжон, кўзда ёш билан кузатиб турган ота-оналарни суҳбатга тортаман.

— Ўғлим Анваржон беш ўғилнинг кенжаси, — дейди ўзини Андижон тумани Қуйганёр шаҳарчасиданман, деб таништирган Фуломжон Мўминов. — Ўғилларимнинг ҳаммаси ҳарбийда бўлган. Мана, Баҳодиржон ва Андижон тумани ИИБ ЖҚБда ишловчи, милиция сержанти бўлган Рафиқжон ҳам укаларини табриклашга келишди. Шундай ажойиб тантана, масъулиятли кун бўлади-ю, келмаймизми?

Кўзларидан оққан севинч ёшларини ҳам пайқамай, “онанг ўргулсин”, деб турган онага юзландим. У Самарқанд вилояти Жомбой туманидан, ўғли Шерзоджонни қутлашга келган Тамара Маматова экан.

Байрам давом этади. Қоровул қўшинлари қўмондонни, генерал-майор Қ. Алиев йиғилганларни қўшалок тантана билан самимий табриклаш билан бирга генерал-майор В. А. Бухтиев, полковник Ш. Чиналиевлар билан биргаликда бўлинмада намунали хизмат қилаётган кўплаб ходимларга юқори унвонлар, оддий аскарларга фахрий ёрлиқлар тақдим этиб, айримларга бир неча кунлик таътил берилганини эълон қилади.

Ота-оналар фарзандларини байрам билан қутлаб, уларни мустақил мамлакатимизга муносиб фарзанд бўлишга қаъришади.

Ўз мухбиримиз.
Сурат муаллифи
С. САИИДҚОСИМОВ.

Имтиҳонлар давом этади

Тошкент вилояти туманларидаги ички ишлар бўлимларида шахсий таркибнинг касб тайёргарлиги ўқуви бўйича имтиҳон топшириш давом этмоқда. Унда милиция ходимлари ўқув йили давомида олган билимларини синовдан ўтказадилар.

Вилоят ИИБ ҳайъати олдида ўз билимини намойиш қилган ички ишлар ходимлари касб маҳорати билан бирга ўқиш давомида билимларни ҳам қўнғ билан ўзлаштирилганларини кўрсатдилар.

Кунни кеча ўқувни якунлаган Пскент тумани

ИИБ шахсий таркиби имтиҳон топшириб, билимдонликда ўзларидан аввалроқ синовдан ўтган Қибрай, Юқори-чирчиқ, Оҳангарон туманлари ИИБ ларидаги касбдошларидан қолишмасликларини исботлашди.

Ш. Жўраев.

Янги милиция шохобчалари

Бекобод шаҳрида бир кунда учта милиция таянч шохобчасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



— Янги махсус бинолар қуриш имкони бўлмагани боис милиция участка вакилларининг хоналарини жиҳозлаш йўли билан таянч шохобчалари яратилди, — дейди шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция майори Г. Мадаминов.

1-милиция таянч шохобчаси С. Раҳимов маҳалласи участка вакили хонаси ёнидаги тиббий шохобчадан бўшаган хоналарни таъмирлаш эвазига юзага келди. Уни таъмирлаш ва жиҳозлашда “Металл заводи ва “Металлқурилиш” трести маъмурияти яқиндан ёрдам берди.

— Таянч шохобчаси ишга тушгунга қадар ҳам турар жой мавзесида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бўшаштирилмади, — дейди маҳалла қўмитасининг раиси Х. Умаров.

ШМБ бошлиғи, милиция капитани А. Ражабов

ва участка вакили вазифини бажарувчи Р. Яфаровлар жамоатчи ёрдамчилар ишини ҳам тўғри ташкил қила олдилар.

— Маҳалладаги милиция таянч шохобчаси аҳоли билан ишлаш марказига айланиши керак, — дейди унинг очилиш маросимида иштирок этган шаҳар ҳокими Д. Насриддинов. — Бу ерда фаолият кўрсатаётган осойишталик посбонлари ҳаминша одамларга ёрдам беришга тайёр туришлари лозим.

Шу кун А. Икромов маҳалласидаги 2 ва 11-кичик тумандаги 3-милиция таянч шохобчалари ҳам тантанали равишда очилди.

Таянч шохобчаларини таъмирлаш ва жиҳозлашда ўрнатилган қўрсатган ходимлар, ҳомий ташкилотлар раҳбарларига Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг буйруғи билан совғалар топширилди.

Ш. Аҳмедов.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



“ЮЛДУЗЧА” ДА ШОДИЁНА

Болалик ҳаётининг энг ширин, энг жўшқин даври. Қанийди шу дамлар бизни ҳеч ҳам тарқ этмас. Аммо вақтни тўхтатиб бўлмайди. Атрофдаги жажжигина болаларга қараб, болалик даврига қайтнинг, онажонинг сўйиб эркалашлари-ю, беташвиш дамларнинг қувончли лаҳзаларидан тўйиб-тўйиб баҳра олгинг келади.

Эркатой, ширинтой болаларимиз ҳаётимиз мазмуни, улар билан ўтган ҳар бир дақиқамиз қалбимизни қувончга тўлдириб, турмуш ташвишларидан бир зум олисларга олиб кетади. Эртанги кунимиз, келажимиз давомчилари, кўзимизнинг оқу қораси жажжи ўғил-қизларимизга узок умр, сиҳат-саломатлик тилаб, порлоқ келажак сенга ҳамиша ёр бўлсин, деймиз.

Бухоро вилояти ИИБ томонидан Халқаро болалар кунига бағишлаб тайёрланган дастур бўйича бошқарманинг “Юлдузча” болалар боғчасида байрам тадбири

бўлиб ўтди. Унда шириншакар болажонлар меҳрибон боғча опалари ўртатган шеър, қўшиқ ва сахна кўришларини намойиш этиб, байрамга файз қўшдилар. Улар кўзидаги қувонч, қалбларидаги жўшқинлик, чеҳраларидаги севинччи кўрган иштирокчилар юрагини беихтиёр бегубор болаликнинг сермазмун, шўх дамлари қамраб олди.

Тадбирга ИИБ раҳбарлари таширф буюриб, болаларга совғалар улашишди.

— Жажжи ўғил-қизларимиз дунёқарашини шакллантириш, уларни мустақил фикрлайдиган қилиб тарби-

ялаш, болалар онгига Она-Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ҳиссини синдириш, маънавий баркамол авлод етиштириш асосий мақсадимиз, — дейди боғча мудираси Олима Алиева.

Бу вазифага жамоа нечоғли масъулият билан ёндошаётганининг гувоҳи бўлди. Тарбиячилар Дилафруз Саидова ва Саида Маърупова, мусиқа раҳбари Сурайё Хўжаевалар болаларнинг ўта тиришқоқлиги, зеҳнлилигини айтиб, улар билан ишлаш қишига завқ бағишлайди, биз ўз касбимизни севамиз ва юртимизга фидойи фарзандлар тарбияласак ўзимизни бахтиёр деб биламиз, дейишди.

Ўрни келгандла шуни айтиш лозимки, юқоридаги икки тарбиячи Тошкент шаҳрида ўтказилган вилоят ИИБлари болалар боғчалари тарбиячиларининг “Дурдона” кўрик-танловиди иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

М. АДIZОВА.

Миннатдорчилик

Ўғлим

бағримга қайтди

Яқинда ўғлим Шерзодбек кўчага ўйнаб чиқиб, йўқолиб қолди. Мен дарҳол ўзим яшайдиган А. Икромов тумани милиция идорасига бориб, воқеани тушунтирдим. Жигарбандимни йўқотиб қўйиб, не аҳволга тушганимни айтиб, адо қилолмайман. Барака топкур, милиция ходимлари тез орада ўғлимни топиб бағримга қайтаришди.

Газета орқали туман ИИБ раҳбарларига, ўғлимни қидириб топишда иштирок этиб, менга яна қувонч бахш этган бошқарма бошлигининг муовини, милиция подполковниги Шоир Рихсиев, ЖҚБ бошлиғи, милиция майори Даврон Йўлдошбеков ва бошқа милиционерларга салимий миннатдорчилик билдираман. Умрларидан барака топиб, соғ-саломат юришсин.

Санобар ҚОСИМОВА.

Раҳима опанинг турмуши бўлмади. Қўлида бир ўғли билан эридан ажралишди. Қиз зоти борки, бахтли келин, бахтли она бўлишни истайди. Раҳима опада бунинг учун ҳамма нарса етарлидай эди — тўрт мучаси соғ, ҳусни жойида, муомаласи ширин, қўллик-оёғлик. Аммо тақдир дегани ҳам бор.

Хуллас, ажралишгач ўғли Жамшидбек ақлини таниган сайин, кўча-қўйда, болалар, тенгдошлари орасида ёлғизлигини туйиб “Ойижон, пулга бўлса ҳам чақалоқ олиб келайлик” дейишини қўймади. Опанинг ўзи ҳам “Тугруқхонадан ота-онаси рад этган, энди туғилган чақалоқ олиб тарбияласамми? Балки, бахтим шундадир” деб ўйлаб қолди. Охири онасига ёрилди.

— Қароринг қатъий бўлса, барибир, билганингдан қолмайсан. Ким билсин, буни худодойимнинг ўзи кўнглингга солгандир. Ўзинг биласан, қизим, — деди онаси.

Бошда бир болани тарбиялашни кўнглига туққан Раҳима опа бирин-кетин беш чақалоқни бағрига олганини ўзи ҳам билмай қолди. Жамшидбек ука-сингилларига ҳақиқий туғишган акадек ғам-хўрлик, меҳрибонлик қилди. Ҳаммасини опа туғруқхонадан олиб, эмизикли палласидан парвариш қилди. Узр, кенжатои — Жавохирбекни кечаси эшиги тагига ташлаб қотишган эди.

Тўнғич кизи Зилолаxonни ўз номига расмийлаштиришда бир оз қийналди, анчамунча қозғолар тўлдиришга, югур-югур қилишга тўғри келди. Тирик жон кўп нарасага ўрганар, кўникар экан. Йўқ, кейинги фарзандларини расмийлаштиришга қийналмади ёки қийинчиликлар билинмадими.

Юқорида эмизикли палладан деган эдим. Шу топда қишлоғимиздаги бир оила билан боғлиқ ибратли воқеа эсимга тушди. Қирқинчи йилларда бир йигит кўнгли қўйиб оила қурган хотинидан фарзанд кўрмагач, рози-ризозлик билан ундан расман ажралиб, бошқага уйланади. Иккинчи турмушида йигит фарзанд кўради, аммо хотини оғир касал бўлиб, боласини эмизишга ҳоли келмайди. Унда йигитнинг биринчи хотини ўз инон-ихтиёри билан,

келиб, чақалоқни бағрига олади. Оллоҳнинг қудратини, меҳрининг кучини қарангки, аёлнинг кўрагига сут келади!

Сўхбат чоғида Раҳима опадан чақалоқларни ўзингиз эмиздингизми деб сўрамадим, иймандим. Қолаверса, гап фақат сутда эмас-ку. Ахир, ўз туққан боласига кўрак сутини раво кўрмаган, уларни

Ўшанда 1997 йилнинг июнь ойлари эди. Зилолаxon алла-маҳалгача имтиҳонларга тайёрланиб ўтирди. Энди ётган ҳам эдики, унга эшик кўнги-роғи жиринглагандек туюлди.

— Ким? — ҳадик аралаш онаю қиз эшикка бориб сўрашди. Ҳеч кимса жавоб бермади.

— Дарс қилавериб чарчага-

та савоб иш қилганингизни яхши биламан. Яна бир бор савоб иш қилинг — менинг боламдан ҳам меҳрингизни дариг тутманг. Яхшилигингиз мендан қайтмаса, худодан қайтсин” деб ёзилган эди.

Шифокорлар обдон текшириб чақалоқни тахминан тўрт ойлик деб топишди. Онаси унинг на бир ҳужжатини, на

Муассаса раҳбарлари барака топишсин, барча муолажаларни текинга бажартиришади.

Ҳа, дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Бировдан диалоглик кўрганингизда, ишингиз чапмасидан кетганида баъзан олам кўзингизга қоронғу бўлиб қўринар. Лекин яхши одамлар ҳам кўп. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Аёл боши билан олти фарзандни вояга етказиш унга осон кечгани йўқ. Лекин қийин дамларда кўмак берганлар ҳам бўляпти. Кимдир иши билан, кимдир гапи билан. Пойтахтимизнинг опа истикомат қиладиган “Сархумдон” маҳалласида савобта-лаб, саховатпеша инсонлар бир талай. Улар эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериб туришар экан. Маҳалла оқсоқоли Маҳмуд ака Рашидовдан бундай инсонларнинг исми шарифини сўрасам:

— Бу шариатга тўғри келмайди. Улар холисанилло яхшилик қилишган, ўзларининг кимликларини бировга айтмаслигимизни тайинлашган. Ҳадиси шарифда ҳам “ўн қўлинг қилган садақани чап қўлинг билмаслиги керак”, деб марҳамат қилинган, — дедилар.

— Ўзим шаҳар ИИББ соқчилик бўлинмасида хизмат қиламан. Бошлиқларимга ҳам минг раҳмат, шароитимни тушунишади, байрамларда совға-саломларсиз қолдиришмайди. Болаларимнинг бирортаси бетоб бўлиб қоладиган бўлса, зарурат туғилса хизматдан рухсат беришади, — дейди опа.

...Наврўз арафасида маҳалла оқсоқоли опани йўқлатиб, хижолат чеккандай гап бошлади:

— Қизим, сиздан берухсат бир ишга қўл уриб қўйди...

— Кўпга бош бўлиб юрган сиздай ёши улуглар ёмон ишни бошламас, — ийманиб жавоб берди Раҳима опа.

— Туманимиздаги ўн нафар тўй бола қатори Жавохирбекнинг суннат туйини ҳам Исомобод гузарида ўтказадиган бўлди.

— Бўлди фақат менинг бо-

лаларим эмас, бутун маҳалланинг боласи, — тўлқинланиб деди Раҳима опа.

Гузарда тўн кийдирилгани, совға-саломлар берилганидан ташқари, маҳаллада ҳам хатна тўйи кун ош тарқатилди.

Гап бир ерда ётмайди. Тешик қулоқ эшитади дегандай. Минг хижолат, андиша аралаш опага болалар асраб олганингизни билишадими дегандай шаъма қилдим.

— Албатта, — деди у киши, — бола кўнгли нозик. Йўлини қилиб, қулайини топиб уларнинг ҳар бирига бу гапни билдириб қўяман. Бегонадан эшитиб менга ишончи йўқолгандан ўзимдан эшитгани маъқул. Ҳаммаси ҳам тўғри қабул қилишди, меҳри заррача сусайгани йўқ, қайтанга ошгандир.

Болаларнинг ҳаёт ота-оналаридан бирортаси ҳам фарзандларини аҳалли йўқлаб келмабди.

— Келишса, болаларини кўришгани рухсат берармидингиз? — сўрайман.

— Ахир, ўшалар орқали шу фарзандларга эга бўлдим-ку. Албатта, рухсат берардим. Йўқ дегани худодан ҳам кўрқаман, — опанинг овози титради.

...Мабодо эрталаб каллаи саҳарлаб “Сархумдон” маҳалласига йўлингиз тушса, дархазторлар оралаб сайр қилиб юрган она-болани кўриб қолишингиз мумкин. Булар милиция катта сержанти Раҳима Мирзатиллаева ва унинг кенжатои Жавохирбек. Шифокорлар эрталабки соф ҳаво Жавохирбекка жуда фойдали эканини уқтиришган.

Ҳа, кенжатои келажакда бир полвон, ахлоқ-одобли, ризқли-насибали йигит бўлсинки. Нафақат кенжатои, опанинг барча болалари элу юртимизга муносиб фарзанд бўлишларига ишонамиз. Бунга маҳалла кафил, яқинда маҳалладошлари ишонч билдириб, иккинчи муддатга қайта сайлаган оқсоқол кафил, саховатпеша инсонлар кафил, меҳр-оқибатли кўни-қўшнилари кафил.

Бобомурод ТОШЕВ.

Хулоса ўрнида нима ҳам дердим. Аввало ўз туққан онаси меҳридан жудо болалар кам бўлсин. Бўлганларини ҳам тақдир меҳри сут каби пок, қуёшдек қайноқ, исми жисмига монанд Раҳима опага ўхшаган аёлларга рўпара қилсин!

Суратларда: Раҳима опа жигарбандлари билан (3-бетдаги сурат бир неча йил аввал олинган. 1-бетдаги суратда эса болалар анчагина улғайишган).

СУТ КАБИ ПОК, ҚУЁШДЕК ҚАЙНОҚ...

**Раҳмат деймиз сизга яна ва яна,
Борингизга шукр, эй буюк она!**



нинг учун сенга шундай туюлгандир, ёт, қизим, — деди Раҳима опа.

Ҳеч қанча ўтмай Зилолаxonга йўлақдан чақалоқ йигиси эшитилди. Яна онаю қиз эшик олдида боришди. Ҳеч бир сас чикмасди. Шундай бўлса ҳам эшикни аста очишганида, бир нимага тақалгандай туюлди. Эҳтиёткорлик билан эшикни каттароқ очиб чиқиб қарашса, эски-туски латта-путтага ўралган чақалоқ ётарди. Раҳимахон дарҳол кизини кўни-қўшнилари ча-қаришга юбориб, чақалоқни кўлига олди. Шўрлик гўдакнинг тириклиги фақат кўзларидан билиниб турарди. Териси бориб суягига ёпишган эди унинг. Етиб келган кўшнлар орасидан аёллар у ёқда турсин, эркаклар ҳам кўз ёшини тўхтата олишмади.

Раҳима опа болани ювинтириш учун ечинтираётганда, иштонига кистирилган буклоглиқ қозғоза кўзи тушди. Унда лотин ҳарфларида “Раҳима опа, сизнинг кўп мар-

бир тиббий варақасини қолдирган эди. Боланинг тузукроқ йиғлаш тугул, сўргич сўришга ҳам ҳоли келмасди. Тиббий кўрик чоғида унинг кўк йўтал, зотилжам каби қатор касалликларга чалингани, парваришининг тайини бўлмаганидан ичаклари қуришиб, ёпишиб кетгани аниқланди.

Кўпдан кўп гап чиқар экан. “Зотининг тайини йўқ, ҳаром болани асраб олиб нима кўрардинг!” деганлар ҳам бўлди. Буни эшитиб Раҳима опа йиғлаб юборди, “Ким нима деса деяверсин, ота-онасининг ҳаром-ҳалоллиги менга қоронғи. Шуни биламанки, болада айб йўқ, уни худодойимнинг ўзи менга ҳалоллаб берди. Асл ҳалол-ҳаромни ажратувчи ҳам ёлғиз парвардигорнинг ўзи!” деди у.

Албатта, Жавохирнинг ана ўша орттирган хасталиклари беиз кетмади. Ҳали-ҳануз ҳар ярим йилда у Семашко номидаги соғлиқни қайта тиклаш ва физиотерапия тиббий муассасасида муолажа олади.

Саҳифада — Самарқанд вилояти

Самарқанднинг шерюрак йигитлари



Бугуннинг долзарб вазифаси

— Пишиб етилган галлани нест-нобуд қилмай, ўз вақтида йигиб-териби олиш керак. Шуни ҳисобга олиб, вилоятдаги ҳар бир туман, ҳўжаликларга ички ишлар ходимларидан вакиллар ажратилади. Уларнинг вазифа-

Ички ишлар идораларида ҳаёт йўли хизмат билан чамбарчас боғланиб кетган, кеча-кундузнинг кўп қисmini ишда ўтказиб, вақти келса, хизмат тақозоси билан ҳафталаб оиласи, фарзандлари билан кўриша олмайдиган фидойи инсонлар кўп. Бу инсонларнинг ҳаёт мазмунини хизмат бурчлари, вазифалари ташкил қиладди. Бу тоифа шахслар жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиларга қарши курашиш билан оиласи, халқи, Ватани тинчлиги, оёйишталлигини сақлаётганини яхши биладилар ва бу йўлда ғарур бўлса, жонларини фидо қиладилар.

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Паҳлавон Шамсиев республи-

камиздаги юзлаб фидойи ички ишлар ходимларининг бири. Паҳлавон Мустафоевич билан вилоятда ички ишлар ходимлари амалга ошираётган ишлар ҳақида суҳбатлашсангиз, яшнаб кетади.

Бу галги учрашув ва суҳбатимизда ҳам шу ҳол такрорланди: П. Шамсиев ички ишлар тизимидаги ҳар бир хизмат янгилликлари, муваффақиятларни фахр билан айтиб, бевосита бўлим ва бўлинмаларга бирга борди ва уларнинг фаолияти, ходимларга яратилган шароитлар билан эринмай, гўё ўз ҳўжалигини кўз-кўзлаётгандек ифтихор билан таништирди. Марҳамат, сиз азиятлар ҳам Самарқанд вилояти ва шаҳар ИИБларда амалга оширилаётган ишлар билан танишинг.

сон қўли гул деб шунга айтиладилар-да.

ДАНБ ЙПХ ходимлари автомашиналардан ташқари мотоцикллар билан ҳам таъминланган. Транспортнинг бу ихчам, чаққон тури айниқса айланма, тор кўчаларни назорат қилишда кичик ҳудудларда ишловчиларга қўл келмоқда (2,3-суратлар).

Инсон омили

биринчи ўринда

— дейди ўз “ҳўжалиги”ни гурур билан кўз-кўзлаган П. Шамсиев суҳбатимиз якунида. — Вилоят, шаҳардаги ички ишлар идораларининг ҳар бири янги, шинам хоналарга жойлашган. Эски бинолар таъмирланиб, янгидек ҳолатга келтирилган. Бўлимларнинг транспорт, алоқа воситалари, энг замонавий техника асбоб-ускуналар билан жиҳозланганига гувоҳ бўлдингиз. Иш жойи, иш қуроли кўнгилдагидек бўлган ходимнинг иши унумлидир.

Деярли ҳамма бўлим ва бўлинмаларда дам олиш, ювиниш, овқатланиш хоналари, сауналар мавжуд.

Бошқарманинг Катта-қўрғондаги ороғмоҳини қайта таъмирлади. У ерда оилавий дам олиш, давола-ниш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари ёрдамчи ҳўжалигимизда кичик ҳайвонот боғи ҳам бўлиб, ходимларимиз оиласи, фарзандлари билан у ерга тез-тез ташриф буюрадилар...

Вилоят ИИБда айниқса, кинология хизматида катта эътибор берилди. Бу ердаги хизмат итларининг фаолиятини

Ўзаро тезкор алоқада

Мамлакатимизда оёйишталлик барқарор бўлиши учун тун-у кун фидо қорона меҳнат қилувчи ички ишлар соҳасининг яна бири пост-патруль хизмати ходимларидир. Улар зиммасига ҳам халқимиз тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бошқа хизматлар билан биргаликда тинимсиз иш олиб бориш юклатилган.

Самарқанд шаҳар ИИБ ППХ бўлимаси бошлиғи, милиция подполковниги Г. Ёкубов ППХда хизмат қилувчи йигитларнинг фаоли-

олиб борилишига амин бўласиз.

— Бизда ижобий хислатлари билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган ходимларимиз жуда кўп, — дейди бошлиқ, — Айниқса С. Аҳмедов, О. Насимов каби фидойиларимиз хизматда ажралиб туришади...

Ходимлар алоқа воситалари, транспорт билан тўлиқ таъминланган. Шу боис улар шаҳарнинг қайси бурчада фаолият олиб бормасинлар, доимо ўзаро алоқада, тезкорлар.

— Хизматимиз давомида қизиқ воқеалар ҳам учраб туради, — дейди, милиция капитани З. Тоиров. — Яқинда катта лейтенант О. Ғофур-

катта лейтенанти О. Ғофуров, старшиналар С. Аҳмедов, О. Шукуровлар гумон билан текширган аёл — тожикистонлик Х. Давлатованинг ёнидан ҳам 437 гр. героин топилди.

ППХ ходимлари фаолиятида бундай мисоллар анчагина.

Президентимизнинг “Янгисини қурмасдан эскисини бузманг” деган гаплари ички ишлар тизимида ҳам тадбиқ этилганини Самарқанд вилояти ИИБ автоҳўжалигида бўлган одам ўз кўзи билан кўради. Бу ерда савлат тўкиб турган турли русумдаги қудратли машиналар чет элдан олиб келингани йўқ.



ров, старшина С. Аҳмедов, сержант О. Насимовлар билан ҳудудимизни айланиб юриб, дарахтга суяниб ўтирган аёлни кўриб қолдик. Аёлнинг аҳволи оғир, гапир-ишга ҳоли келмасди. Уни зудлик билан касалхонага олиб бордик. Кейин маълум бўлдики, аёл — Тожикистон фуқароси, 1952 йилда туғилган Б. Аҳмедова ошқозонида гиёҳвандлик моддаси олиб ўтган экан. Операция қилиниб, аёлнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Врачлар унинг ошқозонидан 19та капсулада қарийб 80 грамм героин олдилар.

Шунингдек, милиция



Ходимларимиз ҳисобдан чиқариш арафасидаги эски, яроқсиз автомашиналарни қайта таъмирлаб, шу ҳолга келтирдилар, — дейди автосарой бошлиғи, милиция майори И. Ғаффоров. — Ин-

ҳаяжонсиз кузата олмайсиз. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида батафсил тўхталганини режалаштирган ҳолда Самарқанд милициясининг фаолияти ҳақидаги ҳикоямизни мухтасар қилсак.

си галла нобудгарчилигига, ташмачиликка йўл қўймаслик, галлани ёнгиндан асраш.

Бу борада вилоят ИИБ ходимлари жойларда бўлиб, галла ўрувчи техникаларнинг, хирмон жойларининг мавсумга шайлиги, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш каби қатор тадбирларнинг бажарилишини назорат қилмоқда.

— Эндиги вазифа, бор кучларни галлани қисқа муддатда, беталафот йигиб олдинишига қаратиш, ёнгиннинг, ташмачиликнинг олдини олиш борасида жойларда доимий назорат ўрнатиш, — дейди П. Шамсиев ИИБ ходимларига (1-сурат).

Посбонлар доимо сергак

Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими учта қўриқлаш бўлимини бирлаштириш ҳисобига ташкил этилган. Собиқ Темир-йўл тумани ИИБнинг маъмурий биносини таъмирлаб, шахсий таркиб учун қулай шароитлар яратилди. Зобитлар учун хизмат хоналари, фавқуллоҳда ҳолатларга мўлжалланган казарма, маиший хоналар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тир, спорт майдонлари ходимлар қўллари билан тайёрланган. Ходимлар транспорт алоқа воситалари билан таъминланган.

Шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноят-

бўлими шахсий таркиби фаол қатнашади. Масалан, бўлим милиционерни С. Зайнишев 7-ШМБ участка инспектори Холматов билан ўғрилиқ жиноятини, Р. Нуруллаев, О. Ҳамидов, С. Азимов, Х. Бозоров, Д. Холияровлар талончилик, А. Саитов, бўлинма сардори, милиция лейтенанти А. Эшонқулов, бўлинма сардори, милиция кичик сержанти И. Очиловлар талончилик ва ўғрилиқ жиноятини жуда қисқа вақтда очилишига ҳисса қўшганлар.

Қўриқлаш бўлимининг 1-марказлаштирилган қўриқлов пультага хонадондан “ташвиш” хабари тушди. Оператор Т. Бабенко хабарни зудлик билан МҚП қўлга олиш гуруҳи ходимлари, милиция сержантлари Д. Нарзиқулов, Р. Дилмуродов, милиционер-ҳайдовчи О. Лутфуллаевга етказди. Улар етиб келиб, хонадонга бе-маҳал “ташриф буюрган” шахсни жиноят устида қўлга олдилар. Бундай мисоллар анчагина.

МҚП оператори С. Крючкова энг тажрибали ходимлардан. У ишда моҳир, талабчан бўлиш билан бирга ёшларга касб сирларини пухта ўргатади (2-сурат).



Саҳифа материалларини
Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Саловат САЙИДҚОСИМОВ.

Tabassum + TV

Посинга gazetasining ilovasi

HAFTALIK

DASTURLAR



Телевизор орқали “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатувни намойиш этиляпти. Бир оилада рўй берган мудхиш воқеа тасвирланди, унинг сабаблари таҳлил этилди. Кўрсатув бошловчиси Ориф хожи Алимахсумов томошабинларни оилада шундай кўнгилсизликларнинг келиб чиқмаслиги ҳақида огохлантираркан, инсон дунёда олий зот бўлиб, ўзидаги ижобий хислатлари билан қадрли эканлигини айтиб, доно маслаҳатлар, ўғитлар билан яқунлади. Турган гап, ҳар бир томошабин кўнглида аллақандай хис сезди. Эҳтиётсизлик, бепарволик, қизиққонлик билан қилган ишлари эсига тушиб, ўйланиб қолди.

Таълим-тарбия билан йўғрилган бу кўрсатувни тайёрлаб, томошабинларга етказишда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Мирзаахмедовни “Tabassum”га тақлиф этдик.

— Мираббос ака, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” мухлислари энг кўп кўрсатувлардан бири ҳисобланади. Ҳар гал уни интиқиб кутиб, томоша қиламиз...

— Таҳририятимизга келадиган хатларда ҳам кўрсатувдан мамнунлик сезилиб туради. Ҳар бир оилада содир этилиши мумкин бўлган воқеалар тасвирланиши, асосан, ҳаётий ҳодисалар кўрсатилиши туфайли мухлисларимиз кўп бўлса керак. Келгуси йилда дастлабки кўрсатув тайёрланиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилганига қирқ йил тўлади. Мен унда ёш йигит эдим. Кўрсатув тайёрланишини кузатиб, ўрганиб борардим. 1965 йилда телевидениега ишга қабул қилишди. Ўшандан бери “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатувининг тайёрланишида иштирок этаман.

Дастлаб марҳум санъаткор Карим Хонкелдиев бошловчилик қилардилар. Ҳозирги кунда Ориф ота Алимахсумовнинг насиҳатлари, ўғитлари кўрсатувни янада бойитиб, кўзлаган мақсадимизни яққол намойиш этипти. Яқинда бир танишим Америкада бўлганда у ерлик ўзбеклар ҳам “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”ни томоша қилишларини айтди. Ҳозир бутун дунёдаги телетўқинларни оладиган антенналар кўпайиб кетди. Осиёдаги бир қатор мусулмон мамлакатларида ҳам кўрсатувимизни томоша қилишларини эшитиб, жуда хаяжонландим. Миллий қадриятларимизнинг асрлар бўйи сақланиб келадиганини чет элликларга бевосита телевидение орқали намойиш этиладиганидан хурсанд бўлдим.



“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” — меҳмонимиз

— Гоҳида одамлар ўртасида меҳр-оқибат қамайиб кетяпти, деган гапларни эшитиб қоламиз...

— Инсонлар ўртасидаги оқибат, бир-бирларига бўлган меҳр энг олий хислат деб ҳисоблайман. Мен ўзим Тошкентнинг Эски шаҳар даҳаси, аниқроғи, Қўшут маҳалласида яшайман. Болалигимда қўни-қўшилар бир-бирларини уч-тўрт кун кўрмай қолишса, атайлаб йўқлаб чиқишарди. Бирор киши касал-хонага тушиб қолса, кўрган боришар, тузалиб келганда, ҳамма ҳол-аҳвол сўрагани келарди. Ҳозир ҳам ана шундай хайрли одатлар йўқолган эмас, лекин айрим сабабларни баҳона қилиб, ҳатто азага ҳам вақт тополмай қолаётганимизни яшириб бўлмайди.

Мен “Посинга” газетасини ўқиб бораман. Отага кўп кўтарган ўғил, акасига пичоқ ўқталган, умрига завоп бўлган нобакор йигитлар, аёллик шаънига иснод келтириб, фирибгарлик, фоҳишалик билан шуғулланиётганлар, девор-дармоён қўшнисиникига ўғрилиққа тушганлар ҳақидаги мақола-



ларни ўқиб, ўйлаб қоламан. Наҳотки айрим одамлар инсон деб аталмиш олий зотга хос бўлмаган ишларни ўзларига эл кўрсалар. Шу қадар тубанликка кетиб, кетини ўйламаётган бўлсалар.

Таҳририятга келадиган хатлар билан танишиб, ҳодимлар билан муҳокама қиламиз. Айрим хонадонларда уй-жой масаласида қийинчиликлар, ота-онадан қолган меросни тақсимлашдаги адолатсизлик, эркакнинг ичкиликка берилгани, аёлининг ўзини ўйлаб, икки-учта ёш болани ташлаб кайфу сафо йўлига кириб кетгани ва бошқа сабаблар туфайли жанжаллар рўй бергани ёзилади. Лекин афеус билан айтиш мумкинки, айрим кишиларнинг ўзларини элга кўрсатиш, бойликларини намойиш қилиш, кимўзарга мол йиғишлари орқасидан жанжаллашишлар кўпайиб кетяпти.

Пойтахтлик бир бойвачча қизини узатадиган бўлади. У укасининг қизига эрон гиламини тўёнага олиб борган экан. Мени қизимга ҳам ана шундай гиламдан олиб келасан, деб шарт қўяди. Укаси эронникини эмас, туркман гиламини олиб боради, чунки пули етмайди. Аканинг хотини тўй кунини жанжал чиқариб, ука билан хотинини ҳайдайди. Шу сабаб, ака-ука ўртасига низо тушиб, юз кўрмас бўлишадди. Қаранг, энди ўша эрон гилами укадан азизмикин ёки туркман гиламини олиб борса қуда томон қизини қайтариб юборармикин. Албатта, тўй ҳам ўтади кетади. Ота қизига эрон гиламдан бахт яратмайди-ку. Ўртадан оқибат аталмиш хислатнинг кўтарилишига, меҳрнинг

— Мираббос ака, кўпчиликни санъаткорларнинг оиласи, устозлари, шоғирдлари қизиқтиради.

— Турмуш ўртоғим маиший хизмат соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Касби тикувчи, ҳозир ҳам уйда буюртма бўйича кийимлар тикиб туради. Иккита катта қизим пединститутни тугатган, боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Яна бир қизим молиячи, кенжа қизим эса иқтисодчи. Куёвларим, барак топишсин, яхши йигитлар. Невараларимни жуда яхши кўраман. Атрофимда чўғурлашиб, ўйнаб юришса, ўзимни дунёга қайта келгандай ҳис қиламан.

Мактабда ўқиб юрганымда Учқун ака Раҳмонов ва Назира Алиевалар раҳбарлик қилган драма тўга-

кейинги кўрсатувларида қайси мавзудаги мелодрамаларни томоша қиладилар.

— Албатта, оиладаги масалалар бош мавзумимиз. Ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-онаси олдидаги бурчлари, фуқаронинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб берадиган телеспектакллар тайёрланапти.

Ҳозирги кунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ота-онага, Ватанга садоқатли бўлишларига, эришиш долзарб масалалардан биридир. Чет элга бориб, мўмай даромад ишлаб келасан деган пуч вадаларга ишониб, хорижга бориб, ватанфурушлар қўлига тушиб, оғир вазиятда қолаётганлар ҳақида кўп эшитамиз. Ана шу мавзу кўтарилган спектаклни қўйиш режалаштирилган.

Ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг “Қўриқхона” деган шеърида инсондаги оқибат, ҳаё, иймон каби хислатлар ноёб жониворлар каби йўқолиб кетмаслиги учун асраб-авайлаш лозимлиги айтилади. Бунинг учун эса инсон ўзини қадрлаши керак, албатта. Суҳбатимиз мавзуси оқибат, меҳр-ҳақида бўлди. Миллий қадриятларимизда кишиларнинг бир-бирига садоқати, яхши муносабати беҳад улуғланади. Инсон дунёга бир марта келар экан, ўзидан яхши ном қолдириши керак. Айрим кишилар бу дунёдан ўтганидан кейин кўп вақтгача унинг яхши хислатларини гапириб юришади. Айниқса, меҳр оқибатли кишиларни яхши гаплар билан эслашади. Буюк бобокалонимиз. Алишер Навоий

Кимки бир кўнгли бузуқни хотирин шод айлагай, Онча борким Қабба вайрон бўлса обод айлагай,

деб бежиз айтмаганлар. Ҳар кимники яшайдан мақсади бор экан, қалбини оқибат ва меҳр тарқ этмасин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

рагига қатнардим. Бу устозларнинг мени шу касбни танлашимда катта хизматлари бор. Телевидениеда Маҳкам Муҳамедов, Ғиёс Шермухамедов, Мақсуд Юнусов каби таниқли, тажрибали режиссёрлардан кўп нарсани ўргандим. Қарийб қирқ йиллик иш фаолиятим давомида кўплаб ёшлар менга мурожаат этишган. Улар касб сирларини озгина бўлса-да, ўрганиб, мақсадларига етган бўлсалар ўзимни бахтиёр сезаман. Режиссёрлар Т. Жўраев, Т. Маҳкамов, Д. Убайдуллаев, муҳаррирлар Ҳакимжон Соатов, Мавжуда Турсуновалар билан кўп ишладим, уларга ўзим билган нарсаларни ўргатишга ҳаракат қилдим.

— Томошабинлар “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”нинг



Режиссёр М. Мираббосовнинг турли йиллардаги иш фаолияти акс этган сураглар унинг шахсий архивидан олинди.

Бўлса-да газетасининг кўнгли бузуқни хотирин шод айлагай! Онча борким Қабба вайрон бўлса обод айлагай, деб бежиз айтмаганлар. Ҳар кимники яшайдан мақсади бор экан, қалбини оқибат ва меҳр тарқ этмасин. — Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Суҳбатдош Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Пулимни олдингми, кулдир!

(бир шинаванда тилидан)

Хой қизиқчи! Нега машинг паст?! Ман пулимни, пулдай қиммат турадиган вақтимни сарфлаб тушганман сани от ўйинингга! Кулдир энди, ҳунарингни кўрсат.

Миямда минг хил ташвиш. Ҳаётда гоҳо алдаб, гоҳо алданиш жонимга ҳам тегди. Ҳаммасини пича унутай, қани, бўлмайсанми, кулдир.

Нимани гапирай, қанақа қилиқ қилай дейсанми? Ман қаердан биллай! Билганимда сани томошангга келиб ўтирармидим? Ўзим гапириб, ўзим кулиб ўтиравардим баъзи бировларга ўхшаб. Пулим ҳам ёнимга қоларди.

Ҳа, нимани ўйлаб қолдинг? Бўл тезроқ, нима қилишинг билан ишим йўқ

— кийимингни ечасанми, бачканалик қиласанми, от бўлиб кишнайсанми, хўроз бўлиб қичқирасанми — ишқилиб мани кулдир. Хоҳласанг мани қитиқлашинг ҳам мумкин.


Нима? Қитиғинг аллақачон ўлиб бўлган дейсанми? Сан бошқача қитиқла ёки қитиқламаган жойингни топ. Бошимни қотирма, мани ишим йўқ, пулимни олдингми, нима қилиб бўлса ҳам кулдир.

Ҳа, хафа бўлдиларми, иззат-нафсларига тегдимми?

Айб ўзингда. Ҳақиқий қизиқчи бўлсанг мандан сўраб ўтирмасдинг, мани устимдан кулардинг. Ҳа, кўрқасанми, томошамга тушмай қўяди, кўча-кўйда калтаклатади деб ўйлайсанми? Кўрқма, сан кулдириб туриб кул-да. Саҳнага мард бўлиб, “калтак” ейишни бўйнингга олиб чиқ-да. Бўлмаса мани ногорамда ўйнайверасан.

Бўл, бўлмайсанми? Кулдир, зерикиб кетяпман!

Хуршид.



ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ

Хуфия жойда.. 1 тонна қорадори

Франциялик автобус ҳайдовчиси Марокашдан 1 тонна қорадори олиб ўтаётганида ушланди.

Марокаш полициячилари гиёҳвандлик моддасини ўриндиқлар тагидаги хуфия жойлардан топишди. Ҳибсга олинган ҳайдовчининг ёнидан тахминан 60 минг АҚШ доллари тенг миқдорда чет эл валютаси чиқди. Автобус ҳайдовчиси 49 йўловчи билан Марокашнинг Тизнит шаҳридан Танжер ва Испания ўртасидаги чегара орқали Францияга йўл олган эди.

Алексиналик одамхўрларга нисбатан

хукм ўқилди

ТУЛА. Бундан бир йил аввал Алексинада одамхўрлик ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилган эди.

11 ёшли Николай Савенков 50 рубль ўғирлагани учун дахшатли ўлим топди. Сергей Комаров, Татьяна Лямкина ва Сергей Кострюковлар уни роса калтаклашди, сўнгра Лямкина болани бўғиб ўлдирди. Сергей Комаров оёғини кесиб олди. Жасадни эса латталарга ўраб, буталар ичига яшириб қўйишди. Шундан кейин қотиллар кесилган оёқни пишириб, бамайилхотир ароқ ичишди ва одам гўштидан газак қилдилар.

Суд жиноятчиларни 14 йилдан 18 йилгача озодликдан маҳрум қилди.

Қотиллик сабабчиси – товук

ОМСК. Қария ўспиринни отиб қўйди.

Алексеевка қишлоғида яшовчи 80 ёшли қария эрталаб соат 5 да ҳовлида итнинг ҳуриганини ва товукларнинг безовта бўлганини эшитди. Милтиқни қўлга олиб, ташқарига чиққан эди ўғрилари кўрди. Улардан бири товукхонада товукларни тутар, иккинчиси эса уларни қопга жойлаётган эди. Ташқарида турган ўғри қуролланган чолни кўриб жуфтани ростлади. Ҳайқирикча югуриб чиққан шериги нафақадорга дуч келиб қолди ва унинг бошига тахта билан урди. Бунга жавобан ўқ овози янгради. 17 ёшли ўспирин томоғидан яраланиб ҳаётдан кўз юмди.

«Мутлақо махфий» ёқилги

КЕМЕРОВО. Нафақадор аёл «мутлақо махфий» белгиси қўйилган ҳужжатлардан ўчоққа ўт ёқишда фойдаланди.

Кишини таажжубга соладиган бундай ҳолатга шаҳар четидаги хусусий уйлардан бирига тинтув қилиш учун келган милиционерлар дуч келишди. Улар бу ерга тамомила бошқа иш билан келган эдилар. Уй эгаси хонадониди ўқ-дори сақлаётгани ҳақида хабар тушган эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ўқ-дорилар топилиб, мусодара қилинди. Аммо бунга қўшимча қилиб милиция ходимлари тасодифан... «мутлақо махфий» белгиси қўйилган бир уюм ҳужжатларни ҳам топишди. Уйнинг эгаси аввал Кемероводаги ҳарбий комиссарликлардан бирида ишлагани маълум бўлди. Махфий ҳужжатлар ушбу комиссарликка тегишли бўлиб, йўқ қилиниши лозим бўлган. Бу муҳим иш кампирга топширилади. Аммо у қоғозни исроф қилишни истамай улардан ўчоқ ёқишда фойдаланади.

Видеоқароқчилар қўлга тушди

МОРДОВИЯ. Саранскдаги таниқли фирма маҳсулотларини қалбакилаштираётган кишилар ушланди.

Хонадонлар ва савдо қилинаётган жойларни тинтув қилиш пайтида 20 та видеоманитофон, товарни плёнкага ўрайдиган ускуна, сотишга тайёрлаб қўйилган 2 мингдан ортиқ видеокассета мусодара қилинди. Дастлабки маълумотларга қараганда фирбгарлар 150 мингдан ортиқ қалбаки видеокассеталарни сотишга улгуришган.

Футболчининг укаси учун 500 минг АҚШ доллари


ГРУЗИЯ. Италиянинг «Милан» клуби ва Грузия терма жамоаси футболчиси Каха Каладзеининг укаси — 21 ёшли Леван учун жиноятчилар 500 минг АҚШ доллари талаб қилишмоқда.

24 май куни Тбилисидаги, грузин ёзувчиси Важа Пшавеланинг ҳайкали остидан Каладзе оиласига аталган хат топилиди. Унда ёзилишича, жиноятчилар Каладзе оиласидан 500 минг АҚШ доллари талаб қилган эдилар. Маълумотларга қараганда, ҳозирда Миланда ўйнаётган футболчига ҳам бу талаб юборилган. Италияда ўғлининг олдида меҳмонда бўлган Карло Каладзе шошилинч равишда Тбилисига етиб келди.


Тбилиси тиббиёт университети талабаси Леван Каладзе 23 май куни темир йўл шифохонаси яқинидан ўғирлаб кетилган.

Б. АЗИМОВ тайёрлаган.

ДУШАНБА, 4




6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбекистон дурдоналари».
9.10, 12.30 ТВ-метео.
9.15 «Ватан мадри».
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
БОЛАЛАРИНИНГ ЕЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.05 «Халлақ». Мультфильм.
10.15 Болалар экран.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.35 «Олтин тож».
12.55 «Шоҳрух клуби».
13.00 «Оталар чойхонаси».
13.45 ТВ 1 намоиш этади.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 Кундузги сеанс:
«Сиздан угина, биздан бўғина». Бадий фильм.
16.05 «Қишлоқ ҳаёти».
16.30 «Бу ажиб фасл».
Телеальманах.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 Экранда - телесериал.
«Қалбим чечми». 3-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳомидхон наволар».
18.35 «Сугурта».
18.50 «Бахтли воқеа».
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбимиз қўйиққа тўлсин».
21.40 «Толғи ёруғ одамлар».
21.50 Ўзбектеlevision намоиши: «Озод юртиннинг умид юлдузлари». Хужжатли видеосериал премьераси.
22.20 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» II «халқаро турнири».
22.40 «Маънавият» дастури.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тунги».



СЕШАНБА, 5



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.45 Газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10, 12.55 ТВ-метео.
9.15 «Рақслар гулдастаси».
9.30 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Қўқув дарёси бўйлаб».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
БОЛАЛАРИНИНГ ЕЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.05 «Еввойи оқушлар».
Бадий фильм.
11.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.50, 15.55 ТВ-анонс.
12.05 «Маънавият» дастури.
13.00 «Оламга сўхат».
Кинокурсау.
13.20 «Даврани кенгрок олин».
Муслиқ дастур.
14.10 «Соғлом авлод» кассаба уюшмалари спартакиадаси.
14.30 Кундузги сеанс:
«Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида хисса». Бадий фильм.
16.00 «Гийҳандлик аср вавоси».
16.15 Бугункихон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнига. «Оламни асранг».
16.40 «Наво таралсин».
Концерт.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ерданчилар».
Мультфильм.
18.20 «Орзулар довоғи».
18.30 «Адолат мезони».
18.50 «Қўйла, ёшлигим».
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзун».
21.20 Санат усталарининг концерти.
21.50 От спорт буйича жаҳон кубоғи.
22.20 «Қизлар давраси».
23.35 «Ахборот».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
8.55 Кўрсатувлар дастури.



10.00 «Мульттомоша».
10.15, 11.40, 17.30 Муслиқ лаҳзалар.
10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 14-қисм.
10.50 «Ўзбекистон жаҳонхирлари».
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.55 Луиджи Пиранделло. «Пайванд». Аббор Хидоятлов театрининг спектакли.
13.20 Вилотат ёш хонандлари кўйлайди.
13.35 Халқаро тамакига қарши кураш кўнига бағишланган. «Саломат бўлинг». 1-қисм.
14.05 «Сени излаб...» Телевизион бадий фильм.
14.40 Саломат бўлинг. 2-қисм.
15.10 «Сехрланган бола».
Мультфильм.
15.55 Жаҳон жуғрофияси.
16.45 «Томоша». Фильм-концерт «Ўзбектеlevision».
17.15 Спорт ҳафтанома.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Замондошимиз» туркумидан: «Ринг узра Ўзбекистон байроғи» («Ўзбектеlevision»)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ёшлик наволари.
19.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.05 Муслиқ лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Ёшларлар.
20.35 «Мерлин». Бадий фильм. 1-қисм.
21.30 «Авесто»нинг 2700 йиллигига «Бир ўлка-ки...» «Авесто-бебаҳо маданий мерос». 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!



17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 Мультфильм.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эхтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «i 36, 6». Муслиқ дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз» кўтлаймиз.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Болалар кўйлайди.
10.05 Саломатлик сирлари.
10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 15-қисм.
10.50, 13.40, 16.55 Муслиқ лаҳзалар.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
13.55 «Мерлин». Бадий фильм 1-қисм.
14.45 Азизим.
15.05 «Қусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
15.55 Хорам наволари.
16.15 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Таянч.
17.55 Ёшлар кўйлайди.
18.05 Минг бир маслаҳат.
Борсам, Эвелин омборхонаси-дан чиқётган экан. Кўзларининг ости кўкарган, юзлари салқиган, гўё кечалари эзилиб бир нималарни ўйлаб ухламай чиқадиганга ўхшарди. Мен олиб келган хабаримни юмшатиброқ айтишга ҳаракат қилдим. У заррача хавотирга тушмади, фақат бир оз ҳайрон бўлди, холос.

— Ия! Ҳали унинг ғойиб бўлгани ҳақида полицияга билдирмайсизми? Худо кўрсатмасину, бирор бир фалокат юз берган бўлса-чи? — дедим шўрлик Ефреимнинг бошига тушган кун ёдимга тушиб.

— Унга ҳеч нарса қилмаган, — босқилик билан деди у. — Тўғри, Ист — Хантли бекатида поездга чиқмагани галати. Аммо Уэст-

та ёки журналдан қирқиб олинган ҳарфлар ёрдамида битилган бўлиб, унда “Мурда Юқори Сойликка кўмилган” деб ёзилган эди. Ҳеч қанақа имзо кўринмасди.

— Буни қаердан олдингиз? — деб сўрадим, ҳаёлимдан эса “Ҳа, нега эри билан қизиққанамга жони чиққанини энди билдим. Уни ўзи ўлдирган экан-да!” — деган ўй кечарди.

— Миссис Карнби, бизга бу ишда кўмак бермайсизми? — саволимга савол билан жавоб қайтарди шериф. — Фермангиз Юқори Сойлик фермаси билан ёнма-ён. У ерда нималар бўлгани сизга кафтингиздагидек кўриниб тура-

гурган, бош суяклари кўриниб қолганди. Лоп этиб Реймондларнинг ўлган бузоғи эсимга келди.

— Бўй-баста марҳумники билан тахминан тенг, — деди гувоҳлардан бири.

Аммо мурдани ҳаммадан ҳам Эвелин аниқроқ таниди. У ўранинг ёнига гандираклай-гандираклай келиб қарадио, ёввойи овозда кичқириб юборди:

— Билль!!!

То доктор Бейли келиб юзига бир нима сепмагунча у жазавага тушган телбалардай тинимсиз такрорлай берди:

— Билль! Билль!

Юзига сепилган дори таъсирида у тинчиди, аммо юзи аллақандай аламли тус олди.

Унга металлдан ясалган гугурт кути-сини кўрсатишди. Кути занглаган бўлса ҳам, қопқоғи устига ўйиб ёзилган “Б. Р.” ҳарфлари аниқ билиниб турарди. Эвелин ҳўнграганча кути

эрига тегишлилигини тасдиқлади.

Аммо ҳаммасидан ҳам мурданинг кафти ичидан топилган тугма барчани ўйлантириб қўйди. Шериф уйда тинтув ўтказаетиб кейин жовонининг пастки тортмасидаги қопнинг ичидан эски-туски латга-путталар орасидан шунақа тугмали оч қизил жун свитер топди. Свитернинг ҳақиқатан бир дона тугмаси йўқ эди! Эвелин кичқириб юборди. У анчалдан буён шу свитерини тополмай юрганини, тугмаси далани айланиб юрганида йўқолиб қолганини, уни излаб кетган эри тополмай келганини кўз ёшини тия олмай айтиб берди. Бу гапларига ақлини таниган кишининг ишонини қийин эди, албатта.

Унинг нега эри бедарак кетгани ҳақида полицияга хабар бермаганини изоҳлаши янаям ишонарсиз чиқди. Эвелин эри билан ўрталари яхши бўлмаганини яшириб

ўтирмади. Яширолмасди ҳам-да, чунки мен ўзим уйларида гувоҳи бўлган жанжаллари ҳақида шерифга аллақачон айтиб берган эдим.

— Ҳа, муносабатларимиз борган сайин ёмонлашарди. Бунга эримнинг менга моддий қарамлиги сабаб эди. Мен уни кўз очиргани кўймасдим. Лекин ўша оқшом миссис Карнби кетгач биз жанжални йиғиштириб жиддий гаплашиб олдик. Эрим ҳамма келишмовчиликларга ўзининг уквсизлиги, иродаси бўшлиғи сабаблигини таъин олди. Ўртамазда ўзаро ҳурмат анчайин кўтарилган бўлса ҳам, биз ҳамон бир-биримизни севадик. Шу оқшом янгича ҳаёт бошлашга қарор қилдик.

Билль бир ўзи иш излаб чиқиб кетишини, то тайинли, тузуккина даромад келтирадиган бирор иш топилмагунча менга хат ҳам ёзмастлигини, кўнгирик ҳам қилмаслигини айтди. Аввалига унинг режаси менга хомхаёлдек туюлди. Кейин ўйлаб туриб уни маъқуллаш тўхтамага келдим. Бу гал омади келса не ажаб деб умид қилдим, унинг ҳам кўнглини кўтардим.

(Давоми бор).

Б. ТОШЕВ таржимаси.

Маргарет МЕННЕРС

Омборхонадаги мурда

Хантлида ҳам темир йўл бекати бор-ку!

— Ё тавба! — дедим ҳайратимни яширмай. — Бошқа бекатга бориш унга нима зарур эди? Ахир, тагида на машинаси, на оти бор эди. Уэст — Хантли бу ердан нақ ўн беш миль нарида-ку. Ўзимизнигина эса яёв беш дақиқалик йўл. Бундан ташқари, шу пайтгача ҳали ундан бирорга ҳам хат олмадингиз. Ҳамма ишчи жойида бўлса битта-яримта хат ёзмаймиди?

Унинг кўм-кўк кўзлари жаҳдан чақнаб кетди:

— Миссис Карнби, менинг шахсий ташвишларимни бунчалик юрагингизга яқин олмасангиз. Нега оилавий ишларимиз сизни бунчалик қизиқтириб қолди? Эрим бошда хат-пат ёзмастлигини менга аниқ-тиниқ қилиб айтган. Шунинг учун ҳам кўнглим ундан хотиржам, тушундингизми? Бундан буён шахсий ишларимга бурнингизни тикманг!

Бундай муомалани кўриб шартта турдим, жаҳл билан бурилиб кетдим. Аёлининг эри ҳақидаги бундай сирли, хавотирли хабарни шу даражада бепарво қабул қилганига, ҳаммасидан ҳам мендан жаҳли чиққанига ҳайрон эдим. Ваҳоланки, бунчалик жон куйдирганим учун менга раҳмат айтиши керак эди-ку.

Уйга келиб узоқ пайт шу ҳақда ўйладим...

... Эртаси куни эса янада гаройиб воқеалар юз бера бошлади... Дераза олдида тикиш тикиб ўтирардим. Қарасам, шериф Юқори Сойликка қараб борапти. Ёнида белкуррак ушлаган бир неча киши. Тикишимни бир четга қўйиб ўзим ҳам ўша ёққа бордим.

Шериф одатдагидан сўзамолроқ ва хушмуомалароқ эди. Мендан у-бу маълумотларни билиб олмоқчилиги шундоқ сезилиб турарди. У менга марказиз, почта муҳрисиз конвертни кўрсатди. Конверт устида газетани ёки журналдан қирқиб олинган босма ҳарфлар ёрдамида “ШЕРИФГА” деб ёзиб қўйилган эди. Хат ҳам нуқул газе-

Сизнингча бегоналар тополмаслиги учун мурдани ферманинг қаерига кўмиш мумкин?

Ҳақиқатан, ферманинг ҳар қарчирини мен беш кўлимдек билардим.

— Полиз ичига кўмса ҳам бўлади, — дедим иккиланиброқ, — аммо ернинг қовланганлигига кўз тушмайдиган жой бўлиши керак.

— Балки ҳайдаб қўйилган ердир?

— Йўқ, — ишонқирамай бош чайқадим. — Омборхона бўлса бошқа гап. У ерда устига бетон плиталар бостирилган ўралар ҳам бор. — Ғоят миннатдорман, миссис Карнби, — астойдил хушомад-гўйлик қила бошлади шериф гўёки яқин орада маҳаллий сайловлар бўладигандек.


Сўнг у ёнидаги гувоҳларни бошлаб омборхона томон кетди. Мен ҳам уларга эргашдим. Эвелин Реймонд бизларга пешвоз чиққанида, унинг юзу кўзига тикилиб ўзимнинг ич-ичимдан қувонаётганимни сезиб қолдим. У қўлларини кўкрагига чалиштирганча жим турар, гўёки бу ёнига нима бўлишини кутарди.

Гувоҳлар бетон плиталарни четга суриб, устига тупроқ тортилган ўраларни қовлай бошлашди. Ҳадеганда бирор натижа чиқавермади. Шериф ўзини ноқулай сезиб, гўё ҳаммасига сен айбдорсан, дегандай дамба-дам менга қараб-қараб кўярди. Ниҳоят белкураги нимагадир тегди шекилли, бир гувоҳ қазийдан тўхтаб, тиз чўкиб тикилди, кейин эҳтиёткорлик билан тупроқни бир четга сура бошлади. Мана, ниҳоят мурданинг усти очила бошлади: унинг эгнидаги кийими титилиб бўлган, этлари ҳам ирий бошлаган, юзини эса оҳак бутунлай куйдириб ул-

Гувоҳлар бетон плиталарни четга суриб, устига тупроқ тортилган ўраларни қовлай бошлашди.

лан тупроқни бир четга сура бошлади. Мана, ниҳоят мурданинг усти очила бошлади: унинг эгнидаги кийими титилиб бўлган, этлари ҳам ирий бошлаган, юзини эса оҳак бутунлай куйдириб ул-

АНТИКРОССВОРД



Рўйхатдаги сўзларни кесишган жойларига эътибор қилган ҳолда каталарга ёзинг.

ЭНИГА:

АКТЁР
АРАВА
БЕШИК
ДАКАР
ДОСКА
ЁРЛИҚ
ЗИЁДА
ИБОРА
ИҚБОЛ
КИЧИК
ПАТИР

СУКУТ
ТАМҒА
ШЛЯПА

ВАЗЕЛИН
ЗИЛЗИЛА
КИРИЛЧА
ЛЎКИДОН
ТАБОБАТ
УМИДСИЗ
ТОВЛАМАЧИ

БЎЙИГА:

АЖРИМ
АТАЛА
ЗАВОД
ЗЕБРА
ИБЛИС
ИРКИТ
ИСБОТ
КЎНЧИ
ЛИТВА
ОЧКЎЗ
СОНИЯ

ТЕАТР
ХАСИП
ЧОЛҒУ
ҚОРИН
БАШПОРАТ
ЛОТИНЧА
ТЎРТЛИК
ШОДИЁНА
ҲАРАКАТ
ДИЁНАТСИЗ

Хандалар

ЯХШИ АЛОМАТ

Хотин ишдан қайтаётган эрини дарвоза олдида кутиб олди.

— Буни қара-я, узоқдан сени танимабман, — деди эр кулиб.

— Унда бой бўлар эканман, қани, мойнангизни чўзиб кўйинг-чи!

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

Хотинидан эри куйидаги мазмунда телеграмма олди: “Адаси, икки ҳафтада икки баробар озибман, суюнчи тайёрлайверинг!”


Эри жавоб телеграммаси юборди:

“Суюнчининг зўрини тайёрлаб қўйдим. Фақат, иложи бўлса, сафардан яна икки-уч ҳафталардан кейин қайт!”

СЎРАМАСАМ ҲАМ БИЛАМАН!

— Адаси, ҳеч бўлмаса кўнглим учун нега хуноб бўлиб йиғлаяпсан деб сўрамайсиз ҳам.

— Сўрамасам ҳам нега йиғлаётганингни биламан. Фақат менинг унақа кўп пулим йўқ-да, хотинжон.



Газетамизнинг ўтган сонидида чоп этилган: КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ (11-бет):

Ишончини оқлаб

Камолиддин Очилдиев билан суҳбатлашишдан олдин Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Тошхўжаевнинг Қўриқлаш бошқармаси фаолияти ҳақидаги фикрини олдим. — Қўриқлаш бошқармаси ходимлари хайрли ишларни амалга оширишяпти, матбуотда уларнинг меҳнатини кўрсатинг, — деб ниятимни қувватлади бошлиқ.

К. Очилдиев билан суҳбатда шу нарса аён бўлдики, жорий йилнинг 4 ойлик якунига кўра вилоят қўриқлаш хизмати бўлим ва бўлинмалари томонидан жами бир ярим мингта яқин халқ хўжалиги объектлари қўриқланиб келинаётган экан.

Тарғибот ишларини кенг қўламда олиб бориш натижасида 2001 йилнинг ўтган даври мобайнида янги 73 халқ хўжалиги объекти, 95 фуқаролар хонадони қўриқловга қабул қилинибди. Ҳозирги кунгача вилоят бўйича 950 фуқаро хонадонларини қўриқлаш шу соҳа ходимларига ишониб топширилибди. Қўриқланаётган объектлар сони ошаётганига асосий сабаб ходимларнинг ўз ишига сидқидилдан берилганлигида деб биламан.

Мунтазам равишда бошқарма раҳбарияти ҳамда

жойлардаги қўриқлаш бўлимлари раҳбарлари томонидан ташкил қилинган текширув гуруҳлари вилоятда сиёсий-ижтимоий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, диний экстремизм, терроризм ва қўпурчиликка қарши кураш, тоифаланган ҳамда ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар муҳофазасини кучайтириш, вилоят ҳудудида жойлашган ўз соқчилари билан қўриқланаётган халқ хўжалиги объектлари, муассасалар ва ташкилотларнинг қўриқланиш ҳолатини асосан тунги вақтда текширувлар ўтказиш ва унинг натижасига кўра зарурий чоратadbirlar белгилаш борасида зарур ишларни қилиб келмоқда.

Минг афсуски, бундай текширувлар чоғида айрим жойларда соқчиларнинг хиз-

мат пайти ухлаб ётган ҳоллари ҳам учрамоқда. Мана шундай ўз ташкилоти, муассасаси, корхонаси хавфсизлигига масъулиятсизлик қилаётган қоровулларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмақда. Бундан кўзда тутилган мақсад битта — ҳар бир жойда огоҳликни, масъулиятни ошириш, ўғирлик ва қўпурчиликнинг олдини олиш. Ўтган 4 ой мобайнида ходимлар томонидан 84 нафар шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб ИИБга келтириб топширилган, булар юзасидан 61 жиноят иши қўзғатилган.

Айрим фуқаролар ҚБ ходимлари фақат қўриқланаётган объектлардагина фаолият кўрсатишда деб ўйлашади. Ваҳоланки, Фарғона вилояти ИИБ қўриқлаш хизмати ходимлари ноқонуний фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик оқимлар, уларнинг етакчилари ҳамда уйдан чиқиб кетиб жангариларга қўшилиб кетганлар ҳақидаги маълумотларни, тегишли жойларга етказишди. Тошлоқ ва Бағдод туманларида ўғирлик содир этиб қочиб юрган Мадамин Болтабоев ҳамда Ғайрат Отахоновлар ҳам улар томонидан ушланди.

Учқўприк тумани ИИБ қошидаги ҚБ ходимлари 4 апрелга ўтар кечаси Масаловка қишлоғида яшовчи Озодаҳон Пўлатованинг уйи-

дан 50.000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетган шахсни далилий ашё билан ушлади. Марғилон шаҳар ҚБ ходимлари 15 апрель кўни эрталаб соат 6.00 да Мустақиллик кўчасида жойлашган миллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариш корхонасидан 248 минг 750 сўмлик ёдгорлик буюмларини ўғирлаб кетаётган 23 ёшли М. П. ҳамда Беҳизор кўчасида яшовчи К. Дадабоевнинг уйдан гилам ва палосларини ўғирлаб кетаётган 18 ёшли Ф. М ни далилий ашёлар билан қўлга олди.

Фарғона шаҳрида эса ҚБ ходимлари Хўжанд кўчаси бўйлаб ишдан қайтаётган фуқаро Нелла Файзиевнинг қўлидаги сумкасини талончилик қилиб олиб кетган шахсни аниқлаб, ушлашга муваффақ бўлишди.

Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Майда ташмачиликка қарши амалга оширилаётган ишлар ҳам мақтовга арзигulik. Апрель ойининг охиригача 1319 та шундай ҳолат бўйича фуқаролар ушланди. Халқ суди томонидан 1202 нафар шахсга нисбатан жами 1.994.501 сўм жарима солинди. Сўнгги пайтларда ўз уйларини қўриқлашга топшириш учун ариза билан мурожаат қилаётган фуқаролар сони ошаётган. Бу албатта, ҚБ хизматига ишониш-

ганидан. Бундай фуқаролар фақат ютадилар, чунки уларнинг мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш кафолатланади.

— Камолиддин Жамолович, шахсий таркиб ўртасида интизом, таълим-тарбия, ижтимоий муҳофаза қандай? — сўрадим суҳбат асосида.

— Шахсий таркиб бўйича ўринбосарим, милиция подполковниги Бахтиёр Аҳмедов анча тажрибали ходим. Шахсий таркиб билан ўтказиладиган маърифат соатлари, жанговар ва ижтимоий-сиёсий машғулотлар савияси устида мунтазам изланади. Шуларнинг натижаси бўлса керак, ходимларимиз орасида қонунчилиكنи бузиш ҳамда интизомий жазоларга тортилиш камайиб бормоқда. — Ходимларимиз сафида спортчилар ҳам оз эмас. Тўрт нафар ходимимиз вилоят ИИБнинг “Динамо” футбол клубида ўйнайди. Қўл жанги бўйича Улугбек Турсунов, Умаржон Усмоновлар вилоятда танилган. Санъат соҳасига ҳам қизиқувчилар қўплаб топилади. Яқинда вилоятда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним мени” қўшиқ қўрик-танловида Охунбобоев тумани ИИБ ҳузуридаги ҚБ ходими Назиржон Халилов 3-ўринни эгаллади.

М. КИМСАНБОВЕВ.

Ҳуқуқий билимимизни оширамиз

Ўзим тошкентликман. Яқинда танишимни кўриш учун Сирдарё вилоятига борган эдим. Оқшом чоғи қўлимда егуликлар солинган халта кўтариб кетаётсам йўлда маҳалла посбонлари тўхтатиб, ҳозир тадбир ўтказилаяпти, паспортингизни кўрсатинг, дейишди. Улар милиция ходими эмаску, тутган йўллари тўғрими? С. Иноятов, Қорасув даҳаси.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қабул қилинган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низомнинг 22-бандида маҳалла посбонининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унга кўра маҳалла посбони жумладан, жиноят содир этилган жойда бўлган фуқаролар ҳамда зарур ҳолларда маҳалла ҳудудида пайдо бўлиб қолган шубҳали шахслардан паспортини ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Газетанинг аввалги сонларидан бирида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқароларидан фарқи уларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмаслигида кўринади, деб ёзилган эди. Мумкин бўлса ана шу ҳуқуқлар ҳақида билимқочи эдим.

С. Олимов, талаба.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат ишларини бошқаришда, ўз вақилини сайлаш, референдумда қатнашиш ҳуқуқларидан маҳрум. Уларга Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида хизматни ўташ мажбурияти юклатилмайди. Лекин чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан, шунингдек, ўзларига тегишли бўлган шахсий, мулкӣ, оилавий ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Қонунчилигимизда “Тез ёрдам” машинасини алдаб чақирганлик учун жазо белгиланганми?

М. Авлоқулов, Ангрн шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 199-моддасида шу ҳақда гап боради. Унга кўра милиция, ёнгинга қарши хизмат, тиббий тез ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Б. НОРҚУЛОВ, милиция майори.

У сафга қайтишни жуда орзу қилганди,



— дейди марҳум хизматдоши ҳақида Охунбобоев тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Абдумутал Болтабоев.

лаш нозири, кейинчалик участка нозири вазифаларига тайинланди. Нишонбой тумандаги энг оғир участкаларда хизмат қилди. Одамлар билан яхши тил топишиши, уларнинг ичига кириб бориши, касбини севиши, халққа меҳнатини манзур қила билиши билан хизматдошлари ва фуқаролар хурматига сазовор бўлди.

Ўтган йил февраль ойида милиция майори Нишонбой Тўхтасиновни туманининг Лангар, Солижонбод ва Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг бир қисмига хизмат қилишга ўтказган эдик. Тўсатдан оғир дардга чалиниб қолди.

Шифохонада ётганида бир неча бор хабар олгани бордик. Охирги марта борганимизда шифокорлар умид йўқ эканлигини айтишиб, бир неча кун ўз оиласи бағрида бўлиши учун жавоб беришди. Ҳеч ҳам ёдимдан кўтарилмайдиган, бир

нечта ходимлар уйига кўргани боргандик.

Уни хорғин ўтирган ҳолатда кўрдик. Суҳбатимиз узоқ бўлмади. Биз билан шу алфозда ҳам қўлгига мавзу топди. Аммо хайрлашиш палласи:

— Ўртоқ бошлиқ, мен яна қайтиб формамни кийармикиман? Сизлар билан яна бирга ишлаш насиб қилармикин? — деб маъюсланиб қолди. Мен уни шартта бағримга босиб:

— Ундай деманг, албатта, соғайиб кетасиз, ҳали кўп йиллар бирга ишлаймиз, — дея олдим аранг.

Бу хайрлашувдан сўнг орадан бир кун ўтиб, у оламдан ўтди...

Дафн маросимига нафақат Нишонбой яшаган Шомирза қишлоқ аҳли, балки тумандаги у ишлаган барча қишлоқлардан кўплаб одамлар келди. Ҳали-ҳануз унинг оиласидан бохабармиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз мухбиримиз.

Олов — эҳтиёт бўлмаганга ёв

Жорий йилнинг 4 ойи давомида Самарқанд вилояти ҳудудида 479 та ёнгин содир бўлиб, улар оқибатида бир неча юз минг сўмдан зиёдрак моддий зарар етказилган, 11 киши ҳалок бўлиб, 49 киши ҳар хил куйиш тан жароҳати олган. Ёнгинларнинг 417 таси фуқароларнинг уй-жойларида содир бўлиб, келтирилган моддий зарар 9 миллион сўмни ташкил этган.

29 апрель кўни Самарқанд тумани Хўжасоат қишлоғида яшовчи М. Исаев хонадонида электр симларнинг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнгин-


дан уй эгаси деярли барча мол-мулкидан ажралган.

Каттақўрғон туманидаги 16-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган И. Бахроновнинг 12 яшар ўғли Рус-

тамнинг ўт билан ўйнаши шу уйга тегишли 50 м² ҳажмдаги молхона ва моллар учун жамғарилган анча миқдордаги ем-хашакнинг ёниб, қўлга айланишига сабаб бўлди.

1 май кўни Тойлоқ тумани Пайшанба Сиб қишлоғида яшовчи Й. Гулнора жонига қасд қилиш мақсадида устига керосин сеппиб, ўзини ёқиб юборади. Буни сезиб қолган

турмуш ўртоғи қутқариш мақсадида чоралар кўради. Натижада ўзи ҳам олов чангалида қолади. Ёниш оқибатида иккови кучли тан жароҳати олиб, Самарқанд шаҳар касалхоналаридан бирига ётқизилади.



Афсуски, шундай нохуш ҳодисаларни кўплаб мисол қилиб айтиш мумкин. Бу билан жабрдийдалар ярасини янгилamoқчи эмасмиз. Мақсадимиз — бошқалар тегишли хулоса чиқаришсин.

Ҳозирги кунда уй-жойларда газ иситиш асбобларидан тўғри фойдаланиш, хонадонга носоз газ баллонларни олиб келмаслик шу билан бирга уйларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш муҳимдир.

Х. МАЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти ЁСБ бош мутахассиси.

Кадрсизлик қурбонлари

Ўз кадрини билмаган инсон ўзга кадрини ҳам билмайди, деган ҳикмат ҳеч қачон эскирмайди.

Ўлжабой йигит бўлиб, севиб, севилиб турмуш қургани билан хотинининг қадрига етмади. Арзимаган сабаб, баҳоналар билан бошланадиган, асабни зир-қиратувчи ўзаро жанжаллар охир-оқибат оиланинг бузилишига олиб келди. Меҳр-оқибат, кадр-қиммат йўқолган хонадон тақдири бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки юқорида айтиб ўтилган олий фазилатлар оиланинг асосий устунлари эканлигини афсуски, Ўлжабой тушунмаган эди. У “дарахтни бир тепсам дувв этиб хотин тўкилади”, деган беаъни фикр билан ўзини чалғитди. Ниҳоят иккинчи бор уйланди. Бахт унга қулиб боққанди. Бахти чопмаган Зул-

фия эса уч яшар қизчаси Бахтжон билан уникида ниқоҳсиз яшай бошлади. Аёл — уйнинг фариштаси дейишди. Афсуски Ўлжабой беаъни қилиқлари, инжиқликлари билан умр йўлдошини ўздан бездира бошлади. У хотинини ўз измига бўйсундиришни истарди.

Зулфия уйга кеч келадиган одат чиқарди. Бир куни хотинини кута-кута ухлаб қолган Ўлжабой машина эшигининг очилиб ёпилишидан уйғониб кетди. Секин дераза пардасини кўтариб ташқарига қаради. Ярим тун бўлса-да, тўлиқ ой ёруғида борлиқ аниқ кўриниб турарди. Зулфия оқ рангли “Жигули” ёнида бир йигит билан очилиб-сочилиб гапла-

шарди. Ўлжабой эгнига камзулини ташлаб ташқарига чиқди. Йигит уни кўриши билан тез машинасига ўтириб, кўздан ғойиб бўлди. Зулфия эса бамайлихоти уйга кириб кетди. Остонада бир зум серрайиб қолган Ўлжабой ғазаб отига минди. Ичкарига қандай отилиб кирганини сезмади. “У ким эди?” — деган саволига тайинли жавоб ололмагач, баттар тутуқиб кетди. Хотинини ўзи чарчаб қолгунча уриб, тепса-да кўнгли жойига тушмади. Ҳолдан тойиб, чалажон ётган Зулфиянинг бўйнига сим солиб, бўғиб ўлдирди. Шунда ҳам ҳовуридан тушмаган, тамоман ваҳшийлашиб кетган Ўлжабой, шовқин-тўполондан уйғониб

кетиб, кўз ўнгида содир этилган қабиҳликдан кўрққанидан дағ-дағ титраб, қарахт бўлиб қолган, энди тили чиқиб ширин гапираётган Бахтжоннинг ҳам бўғзига чанг солди. Сўнгра она-боланинг жасадларини “Қизкетган” каналига олиб бориб ташлади. Ҳеч қандай из, гувоҳ қолдирмадим, деб ўйлаган Ўлжабой янгилашган эди. Ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг машаққатли меҳнатлари натижасида топилган ашёвий далиллар олдида бош эгишдан бошқа иложи қолмади. Инсонийликни унутган, кадр-қимматни оёқ ости қилган, умр йўлдоши ва норасида қизини тириклик деб аталмиш буюк бахтдан бенасиб этган Ўлжабой кечириб бўлмас қилмиши билан ўз умрига нуқта қўйди. Нуқслик Ўлжабой Есназаров Қорақалпоғистон республикаси Олий суди томонидан олий жазога ҳукм этилди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Улар кимни ота дейди?

— Дадажон! Жон дада, кўзингизни очин!

Фарзандларнинг еру кўкни титратгудай нола-ю, фарёдлари ҳар қандай юракни чилпарчин қилгудай. Бироқ, минг афсуски, беш боланинг отаси Иброҳим Холмирзаев фарзандлари фарёдини эшитмайди. Чунки у ҳаётдан мангу кўз юмган.

У фожиали фалокат туфайли вафот этди. Орзулари ушалиб, фарзандлар камолини кўриш насиб этмади.

Азим Валиев номардлик қилмаганида балки И. Холмирзаев тирик қолармиди? Эҳтимол...

... 21 апрель, куни соат 23.50 да Наманган-Уйчи-Учқўрғон йўлида Наманган шаҳри томон

Айбдорни топиш учун ҳаракатланаётган номаълум автомашина ҳайдовчиси

йўлнинг ўнг томонидида кетаётган фуқарони уриб юборади. Ҳайдовчи ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолади. Натижада оғир тан жароҳати олган велосипед бошқарувчиси бевақт ҳаётдан кўз юмади.

Қочиб кетган ҳайдовчинини топиш учун вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. Опшқов бошчилигида тезкор гуруҳ тузилди. Вафот этган кимсанинг шахсини аниқлаш чоралари кўрилди. Бахтсизлик қурбони — Уйчи тумани Ёрқўрғон қишлоқ фуқароли йиғинида яшовчи, 1957 йилда туғилган, 5 фарзанднинг отаси Иброҳим Холмирзаев эканлиги аниқланди.

Айбдорни топиш учун тунда ҳаракатланган барча автомашиналар назоратдан

ўтказилди. Қочоқ ҳайдовчинини топиш осон кечмади. У Уйчи тумани Ўнҳаёт қишлоғида яшовчи, Наманган вилояти сўв ҳўжалиги бошқармасида ҳайдовчи бўлиб ишловчи 24 ёшли Азим Валиев экан.

А. Валиев ўзига бириктирилган “ВАЗ-2107” автомашинасини маст ҳолда бошқарган. Воқеа жойидан қочиб кетаётган бетонли ариққа тушиб кетган. Ачинарлиси, касби ҳайдовчилик бўлган йигит спиртли ичимлик таъсирида инсоний қиёфасини йўқотган эди.

Воқеадан хабар топиб, етиб борган вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Раҳимжон Қосимов ва Наманган шаҳар ИИБ ДАН бўлиғимаси инспектори, милиция катта лейтенанти Расулжон Матқажомовларнинг сўровларига А. Валиев бепарволик билан пойинтар-сойинтар

жавоб берарди.

— Машинангизни баъзи жойларига қон сачраган, ойна синиклари орасида соч толарларини кўряпмиз...

— Уйчи кўчасида келаётганимда нимадир қарсиллаб урилди. Шунин билан, холос. Бу томонга қандай келиб қолдим? Эслолмаяпман. Қараб турмай, машинани ариқдан чиқаришворинглар. Ҳа, қани...

Азимнинг жиноят содир этиб яна ўзини хотиржам тутиши одамни ҳайрон қолдирди. Ана, ичкиликнинг кучи!

Азим сингари нафсини жиловлай олмаган ҳайдовчилар бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлаётганликларини боис қанча норасидалар чирқиллаб қолаётир. Улар кимни ота дейишади?

Фурқат МАМАЖОНОВ,
Наманган вилояти
ИИБ ДАНБ
катта ноизири.

ДАЛА ҲОВЛИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Дала ҳовли яқинидан Қирғули туманида яшовчи К. Аҳмедовнинг танасида куч ишлатиш белгилари бўлган жасади топилди...

ИИБга ариза билан мурожаат қилган А. Бердиев таъини Б. Солиев уни ва С. Сергеевни ҳожатхона учун чуқур қавлашга ёрдамлаштишни илтимос қилганини айтди. Улар дала ҳовлига келишганда ёқимсиз ҳид таралаётганини сезишди. Уй эгаси буни итим ўлиб қолган, деб изоҳлади.

Чуқур қавлаб бўлинганди эса Солиев:

— Энди ҳужрадаги жасадни келтириб, шу жойга кўмасизлар, — деди.

— Нима деясан, ошна? — жаҳли чиқиб деди Бердиев.

— Нима, бизни ҳам жиноятга шерик қилмоқчимисан?

— Айтганимни қилмасанглар ўзларингизни шу чуқурда кўрасизлар, — дўқ урди уларга Солиев.

Кўрқиб кетган ёрдамчилар ишга киришишди. Ҳашпаш дегунча жасад келтирилиб, чуқурга кўмилди.

Шундан сўнг А. Бердиевни виждон азоби қийнай бошлади. У бўлиб ўтган воқеа ҳақида сукут сақлаши билан қотилни яшираётганини ҳис этарди. Бундан ташқари эртами-кечми шафқатсиз Солиев гувоҳ сифатида уни ҳам гумдон қилишга уринишини тушуниб турарди. Ниҳоят, ичкиликчиларга чек қўйиб, милицияга боришга аҳд қилди.

Тезкор вакиллар Б. Солиевни қўлга олишгач тергов бошланди. Терговчилар ишга чуқур киришган сари жиноят манзараси даҳшатли тус олаверди.

Воқеа эса бундай бўлган эди...

Нафақадор К. Аҳмедов бозорда марҳум дўстининг ўғли — Баҳодирни учратиб қолди. Унга меҳри жўшиб дала ҳовлисига таклиф этди. Шундан сўнг Баҳодир бу ерга яна бир неча марта келди. К. Аҳмедов дўстининг хотираси учун уни доим илиқ кутиб олар, ҳурматини жойига кўярди. Сахийлик билан қилинаётган меҳмондорчиликдан Баҳодирнинг миясида ёвуз ўйлар пайдо бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

“Бобой бадавлатга ўхшайди, — ҳаёлидан ўтказарди Б. Солиев. — Қачон келсам дастурхон тўкин, ичкилик ҳам, газак ҳам етарли...”

Ўша куни отахон меҳмоннинг туғилган куни бўлгани учун уни коньяк билан сийлади. Меҳмондўст уй соҳиби таваллуд топган кишининг ўзи зиёфат уюштириши лозимлигини унутиб қўйган эди. Ҳатто Солиев бунчалик “меҳрибон” бўлиб қолганини тушуниб етмади. Қоронғу тушганда икковлон дала ҳовлида чақчақлашиб ўтиришарди. Кўп ўтмай Солиев ташқарига чиқиб, ўтлар орасига яширилган болтани келтирди ва ичкарига кириши билан отахоннинг қаншарисига туширди. К. Аҳмедов шу заҳоти жон берди. Жасадини ҳужрага яширган Солиев унинг уйидаги барча қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетди.

Шу тариқа отахон инсон нега шу даражада тубанликка боришини англай олмай бу ёруғ оламдан кўз юмди...

Борис КЛЕЙМАН,
Андижон шаҳри.

ИККИ ОЁҚЛИ “БЎРИЛАР”

Қашқадарё вилояти Косон туманилик К. Б. илғари ҳам мол ўғрилиги қилиб судланган эди. “Кўр кўрни қоронғида топади” деганларидек, у муқаддам судланган Ш. Т. билан пинҳона тил топишиб, яна ўғрилиқ қилиш борасида режа тайёрлашди. Арабхона қишлоғи кўчабошиси ҳам уларга шерик бўлганига нима дейсиз?

Улар Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани “Қорақўлчилик” ширкат ҳўжалиги чўпони Комил Сафаров яйловда ўтлатиб юрган сурувга яширин равишда яқинлашиб келиб, чўпон йигит кўзилаётган совлиқлар билан бандлигидан фойдаланиб подалан нақ 132 бош қўй-қўзиларни ҳайдаб кетадилар.

Паст-баланд қирлар ортига пана бўлган икки оёқли “бўрилар”нинг кайфияти чоғ бўлса-да, диллари хуфтон эди. Чунки Қоровулбозор тумани милициясининг тезкорлиги, унинг бошлиғи Иззат Шерназаров ўз ишининг устаси эканлигини улар яхши билардилар. Косондан келган бошқа мол ўғрилари бундан олдин ҳам нақ тумшукларидан илиниб, ҳозирда тиканли сим ортида дам олаётганлигидан хабардор бўлсалар-да, нафсларини тиёлмаган эдилар.

Кечга бориб қўйларни йўқолганлигини билган чўпон милицияга хабар қилиши билан туман ИИБ тезкор гуруҳи келиб, воқеа жойини обдон ўрганиб чиқиб, из бўйича жиноятчилар ортидан қадам-қадам ҳаракатланиб, тунги соат 03.45 ларда Косон тумани Арабхона қишлоғига ўғирланган молларни ҳайдаб айланма йўллар билан кетаётган кимсаларни жиноят устида қўлга олдилар. Ширкат ҳўжалиги қўйларни тўлалигича ўз эгасига қайтарилди. Икки миллион бир юз ўн икки минг сўмлик қўйлар икки оёқли “бўрилар”нинг нақ оғзидан тортиб олинди.

Ушбу жиноятни очишда Қоровулбозор тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари Фарҳод Жамиллов, катта терговчиси Алижон Наимов, участка ноизири Қахрамон Очилов, эксперт Нодир Абдуллаевлар жонбозлик кўрсатдилар.

Х. БОЛТАЕВ,
милиция подполковниги.

Фалокат амалдорни сийламайди

Улфатларининг “ҳа, баракалла, олинг-олинг, раҳбар бўлатуриб сиз олмасангиз, ким олади, автомашинангизни тўхтатадиган ДАН ходими ҳали онасидан туғилмаган” деган далдаси Максудни шер қилиб юборди. Оқидан бир неча пиёла отиб олгач, у даврадагиларни оғзига қаратиб олди. Куюк зиёфатдан сўнг чайқала-чайқала бориб рулга ўтирди-ю, машинага каттик газ берди...

билишлари ҳайратдан ёқаларини ушлашди. Аммо кейинги пушаймон, ўзингга душман дейдилар. Энди ўзининг айтганига ўзи амал қилмаган шифокор ҳам, аслида оқ ҳисобланса-да, қора ишларга йўл очиб берувчи ароқ билан ошно тутинган “Олтин соҳил” жамоа ҳўжалигининг бўлим бошлиғи Шавкат Нурматовдир. У ҳам соясига кўрпача соладиган бир неча ҳайбаракаллачи ошналари даврасида обиламзамнинг оқидан отиб олиб йўлга чиқарилди. Энди бўлим бошлиғи бу қилмиши учун жавоб беради.

Шифокор Озод Этамбердиев ҳам спиртли ичимлик ичиб транспорт воситасини бошқариб бораётганда тўхтатилди. Шифохонада хизмат қиладиган бошқаларга спиртли ичимликнинг қони зарарлигини уқтириб юрган врачнинг маст ҳолда рулга ўтирганини кўриб таниш-

босдим тиконни, тортадирман жабрини дея афеус қилиб юришибди. Айтинг-айтинг бу уларга бир умр сабоқ бўлсин.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойида ДАН ходимлари 44 нафар маст ҳайдовчинини йўлда тўхтатиб қолишди. Турли фалокатларнинг олди олинди. Зеро, сархуш бўлиб транспорт воситасини бошқариш натижасида кўпгина бахтсиз ҳодисалар рўй бераётганлиги ҳаммамизга маълум. Оқибатда бегуноҳ инсонлар ҳаёт билан видолашапти, умрбод ногирон бўлиб қолишапти. Шу йилнинг ўтган чорагида ичкиликка ружу қўйган маъсулятсиз шахсларнинг етти марта авария ҳолатини

туғдиргани қайд қилинди. Бахтли тасодиф туфайли фалокатнинг олди олинди.

ДАН ходимлари томонидан тез-тез ўтказилаётган турли тадбирлар бундай фалокатларнинг олдини олишда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда самарали таъсир кўрсатапти. Март ойида ўтказилган “ДАН кунлари” жараёнида юзлаб қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳайдовчилар ва аҳоли ўртасида кенг қўламда ташвиқот-тарғибот ишлари амалга оширилди. “Диққат, темир йўл кесишмаси” тадбири жараёнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан биргаликда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш диққат марказида бўлди.

Рўзимат РЎЗИМАТОВ,
Хонқа тумани ИИБ
ДАНБ ноизири.

А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ
олган сурат.



Фақат катталар айбдор...

... Комил бировга пичоқ урибди!

Кечагина ота-онасига суянчиқ бўлиб, ер чопиб, экин экиб юрган, энди-гина ўн тўққизга кирган йигит нима учун ўзи танимаган-билмаган одамга пичоқ кўтарди?

Комилнинг бу қилмишини таҳлил қилишга уринамиз.

Комил вилоятлардан бирида, деҳқон оиласида туғилиб, ўсди. Оилада, мактабда, маҳаллада биров билан уришиб, жанжаллашмай, армия ёшига етди. У бувиси ва аммаси билан сафар олдиладан хайрлашиш учун шаҳарга келди.

— Э, армияда нима бор? Ундан кўра, ана, бизнинг уйда қол. Амманг

иккимиз вақт-бевақт савдо иши билан кетиб, уй ёлғиз қоляпти, — деди “почча”. Амма бу гапни маъқуллади. Ота-она, буви “ҳой, сенлар нега туппа-тузук йигитни йўлдан уряпсанлар?” — демади.

Амманинг қонунсиз эрининг бир хонали “дом”ида диққинафас бўлиб, кун-узукун нима иш қилишини билмай зерикиб юрган Комилга уч-тўрт кун олдин “йўл”га кетган “почча”: “Амманг қани? Яшаса, одамга ўхшаб яшасин. Бўлмаса, уйни бўшатсин!” — дея дўқ қилди. Бу гап Комилбойнинг кўнглига қаттиқ теғди. Довдираб, такси бекатига борди. Пул топиб, уйига қайтиш режасини тузди. Шу мақсадда кўзига нимжон-

роқ кўринган, лекин оқ кўйлагининг кўкрак чўнтагидан юз сўмликлар кўриниб турган йигитдан “уйдаги телевизорини устахонага олиб бориш эвазига минг сўм бериш”га келишди. Уйга келиб, телевизорни кўтаришмоқчи бўлган ҳайдовчининг қорнига пичоқ урди. Қисқа олишувда жароҳатланган ҳайдовчининг дуч келган жойига тепиб, қочиб қолишни кўзлаган Комил кўшнilar чақирғи билан етиб келган ички ишлар ходимларининг қўлига тушди.

Мана, у қилмишлари-га минг пушаймон бўлиб қора курсида ўтирибди. Унинг ота-онаси, қариндошлари — таниган-билганларнинг ҳаммаси ҳай-

рон: наҳот Комилдан шу иш чиқса?

Жиноятнинг илдизига чуқурроқ назар солсак, Комилнинг жиноятга қўл уришига замин ҳозирлаганлар ҳам бу “иш”да жавоб бериши лозимлигини кўраемиз. Яъни, ҳарбийга кетаётган йигитни нима учун амма ва унинг эри йўлдан уриб, олиб қолдилар — уйлари-га қоровул қилиб қўйдилар? “Почча” нима учун хотинига эмас, Комилга “амманг уйни бўшатиб қўйсин” дея зугум қилди? Нега буви “бизни кўрдинг, энди қишлоққа қайтақолгин” дея набирасини йўлга солмади? Уёқда ота-она “нега боламиз ҳаяллаб қолди?” дея хавотир олмади?

“Нега”ларнинг охири йўқ. Лекин фалокатнинг,

режа билан амалга оширилган жиноятнинг олдини олиш, олдини олиш эмас, умуман, бунга йўл қўймаслик мумкин эди, қачонки:

“Бекор армиядан қолибман”, — дея кўз ёш қилади Комил.

“Нега ҳарбийга кетаётган болани олиб қолдинглар?” — домонгир бўлади ота-она.

“Бизни кўрдинг, бор, энди кетавер, соғ-саломат хизмат қилиб, қайт, демадик” дея пушаймон бўлади буви, амма ва почча.

Афсус. Тенгдошлари қатори ўйнаб-кулиб йигитлик бурчини ўташга йўл олиши лозим бўлган йигит тиконли сим ортига йўл олди. Бунга эса фақат катталар айбдор...

В. МАДАМИНОВ.

Бир жиноят таҳлили

Суд очерки

Нафси ўпқонлар жигилдонига урилган мебель термалари суммаси эса 4 миллион 612 минг сўмга етди. Қойилими? Бунга тагин 142,5 минг сўмлик мебель тахталарини ҳам қўшиб қўясиз. Ис, тагин 906 минг 948 сўмлик гобелен материали ҳам бор.

Сўргичлар тинмай пайпасланарди. Мана, “пақ” этиб уларга совун билан тиш ювиш пастаси урилди. Сўрилсин! Бирпасда уларнинг 6 миллион 166 минглиги гумдон бўлди. Жами 222 минг сўмлик оёқ кийими, гилам, қоғоз қоп, шип-га қоқиладиган плиталар улар учун арзимас буюм эди, шунинг ҳам ютиб қўя қолишди.

“Мебелимпекс”га республика Олий Мажлиси биносини жиҳозлаш учун Германиядан мебель келтирилган. Бино жиҳозлангач, ортган 82 минг 229 АҚШ доллари турадиган мебель Б. Тожиёв жавобгарлигидаги оморга ҳеч қандай ҳужжатсиз жойланди. “Саккизоёқ” учун айна муддао бўлди-да, яъни 62 минг 997 АҚШ доллари-га тенг қисми жойини топиб кетди. Юлғичнинг ҳамёни тўлса ҳам жигилдони тўлмайди, деган эри рост экан.

Орадан сал ўтмай “қурбон” бўлган мебельлар қаторига 114 минг сўмлик креслолар ҳам қўшилди.

Навбатдаги зугумга яна қурилиш материаллари учради ва 1,5 миллион сўмлик “текисланди”. Кейин яна 4 миллион сўмликдан ортиқ ДВП ҳамда ДСП “силлиқланди”. Булардан ташқари, “Акмал Икромов савдо” жамиятидан пул ўтказиш йўли билан 12 миллион сўмлик бўз олиб, ҳужжатларсиз нақд пулга сотишди.

Хуллас, жиноий тўда кирдикорларини санайверсак, бош айланиб кетади. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, улар жами 137 миллион 587 минг сўмни талон-торож қилишди. Янада

(Охири. Боши ўтган сонда).

ачинарлиси, турли буюм ва маҳсулотларни савдогарларга ҳужжатсиз бериб, уларнинг давлат солиғи тўламаслигига шароит яратиб бердилар. Етказилган бу зарарни ҳисоблаб чиқиш асов туяни чўктиришдек қийин эди. Тўғри, уларнинг сирлари ўз-ўзидан фош бўлиб қолгани йўқ. Бу жиноий гуруҳ кирдикорларининг астар-аврасини чиқарадиган тажрибали, билимдон тергов ходимлари топилди. Уларнинг тадбиркорлиги

бошқарманинг тажрибали, изланувчан терговчиларидан бири. У ушбу жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борганда жиноий гуруҳнинг илдизи чуқурлигига тўла ишонч ҳосил қилди.

Тергов Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Мамадиёр Усмонов, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Равшанбек Йўлдошевлар бу жиноят ишини очишда терговчи И. Турғу-

Очофат “саккизоёқ” тўрда...



туфайли тез фурсатда қинғир ишнинг қийини чиқди.

— Менга М. Солиҳов ва унинг жиноий гуруҳига оид жиноий иш топширилганда, очиги, бироз шошилиб қолдим, — дейди республика Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармасининг катта терговчиси, милиция майори Илҳомжон Турғунов босиқлик билан. — Фирибгарлик ва талончилик жиноятларини қўзғатишдан аввал, чуқур терговолди текширувларини ўтказиш, томонларнинг важдарига алоҳида эътибор бериш, тафтиш материалларини атрофлича таҳлил қилиш ва шундан кейингина жиноят таркиби бор бўлган материаллар бўйича иш қўзғаш лозим эди. Ҳамма нарсани синчковлик билан, режа асосида ташкил этиб, енг шимариб ишга киришдим... Илҳомжон Турғунов Бош

новга яқиндан ёрдам бериб турдилар. Шунингдек, бу ишга Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори Қўшнарар Жабборов ҳам жалб этилди. Оқибатда “Мебелимпекс” ҳиссдорлик жамияти давлатга 100 миллион сўмдан ортиқ солиқ тўламагани аниқланди. Бундан ташқари тафтиш даврида ушбу ҳиссдорлик жамияти томонидан 157 миллион сўмлик маҳсулотлар ҳисоботга қўшилмасдан ўзлаштириб юборилгани маълум бўлди. Бу қинғирликларни аниқлашда тафтишчи Фозилжон Мараҳимовнинг улуши катта бўлди. Ҳамма камомаллар бошқарув раиси М. Солиҳов ҳамда бош ҳисобчи Л. Мингазовлар томонидан қалбаки ҳужжатлар билан ёпиб юборилгани аниқланди. Терговчи синчковлик

билан тергов ишларини олиб борар экан, ҳиссдорлик жамиятининг хуфёна ҳисобхонасини топиб олди. Бу ердаги қирим-чиқим ҳужжатлари терговга тақдим этилган ҳужжатлар ичида йўқ эди. М. Солиҳов дўпписи тор келиб қолганда ходимларига ушбу ҳисобхона материалларини йўқ қилишни буюрган, ўзи эса Россия Федерациясига қочиб кетиб улгурган эди. М.

Солиҳовга нисбатан қидирув эълон қилинди. Кўп ўтмай у Россияда қўлга олиниб, терговга топширилди.

Энди жазо қандай бўлди, деган савол туғилиши табиий. Шунинг учун Тошкент шаҳар суди ҳукмидан парча келтираемиз.

“Солиҳов Миррашан Мирҳосиловични Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан 2 йилга маҳрум қилган ҳолда, мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилиб, 20 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги “9 майни Хотира ва

Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисида”-ги Фармонининг 9-моддаси “б” бандини қўллаб, тайинланган жазони ўталмай қолган қисмини тўртдан бирга қисқартириб, ўташ учун мол-мулкни мусодара қилган ҳолда 15 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Солиҳов М., Жалолов З. ва Шоазизов Ш.лардан солидар тартибда “Мебелимпекс” ҳиссдорлик жамияти фойдасига 3.916.258 сўм ундирилсин; Солиҳов М. ва Шоазизов Ш.лардан солидар тартибда “Мебелимпекс” ҳиссдорлик жамияти фойдасига 904.200 сўм ундирилсин; Солиҳов М., Шоазизов Ш.лардан солидар тартибда Швейцария давлатининг “Эксимко АГ” фирмаси фойдасига 137.586.986 сўм; Солиҳов М.дан “Прогресс” уюшмаси фойдасига 5.595.000 сўм; Солиҳов М.дан “Мебелимпекс” ҳиссдорлик жамияти фойдасига 460.147 сўм; Солиҳов М.дан “Мебелимпекс” ҳиссдорлик жамияти фойдасига 6.415.896 сўм ундирилсин; Солиҳов М.дан давлат фойдасига 2.172.884 сўм ундирилсин; Солиҳов М.дан “Қанот сервис” фирмаси фойдасига 7.807.300 сўм; Солиҳов М.дан “Қанот АРХ” фирмаси фойдасига 6.950.000 сўм; Солиҳов М.дан “Доз-Тур” фирмаси фойдасига 3.822.486 сўм; Солиҳов М.дан солиқ қўмитасига тўланиши лозим бўлган 109.388.194 сўм давлат фойдасига ундирилсин; Солиҳов М., Қамбаров С., Солиев Я.лардан солидар тартибда солиқ қўмитасига ундириллари лозим бўлган 4.986.329 сўм давлат фойдасига ундирилсин.”

Қўриб турибсизки, “саккизоёқ”нинг сўргичлари текинхўрлик қилолмайдиган жойга “яшириб” қўйилди.

Мана сизга нафс бандларининг сўнгги манзили. **Мурод ТИЛЛАЕВ.**

ҚИДИРИЛМОҚДА

Фаргона вилояти Тошлоқ тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Кодирали СОЛИЕВ, 1950 йилда туғилган, Тошлоқ тумани Арабмозор ҚФЙ Хонақо қишлоғида яшаган.



Баҳром Баҳодирович МАМАЖОНОВ, 1976 йилда туғилган, Тошлоқ тумани Қонизар қишлоғи Нодира кўчаси 86-уйда яшаган.



Авазхон МУХТОРОВ, 1947 йилда туғилган, Тошлоқ шаҳарчаси Ялта кўчаси 54-уйда яшаган.



Илҳом Латипович МАМАЖОНОВ, 1965 йилда туғилган, Тошлоқ тумани Қонизар қишлоғи Нодира кўчаси 86-уйда яшаган.



Сирдарё тумани ИИБ томонидан Адилжон Курбанович ТУХЛИЕВ жиноят содир этиб терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

1953 йилда туғилган, Сирдарё шаҳри Туркистон кўчаси 140-уйда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Бепарво бўлмайлик, азизлар!

Дунёда энг оғир дард фарзанд доғи бўлса керак. Агар фарзанд Аллоҳ берган бирор дард билан оламдан кўз юмса, чидаса бўлар. Аммо кўзингизнинг оқу қораси, не-не орзу-умидларингиз, яхши нияту тилакларингизни бахшида қилиб юрган жигарбандингиз ўзингизнинг эҳтиётсизлигингиз, бепарволигингиз қурбони бўлса-чи? Бунинг аламини, унинг изтиробини унутиб бўлармикин? Келинг, бир воқеа мисолида шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик.



Асқаржон Машкура билан Сойибжоннинг тўнғич фарзандлари эди. Сойибжон давлат ишида, Машкура эса уй юмушлари билан банд. Тўрт ёшли Асқаржон уззу кун уй ичида ёлғиз. Олдига ташлаб қўйилган тўрт-бешта ўйинчоғини ўйнаб, шулар билан машғул бўлади.

Бола барибир бола-да, зерикади. Бир хил ўйинчоқни ўйнайвериш жонига тегиб унинг у ер бу ерларини қидириб, ўзига янги овуноқ излайди. Асқаржон тошойна олдига турган онасининг пардоз анжомларини титкилаб кўра бошлади. Айни шу жойда Сойибжоннинг сигаретаси ва гугурти ҳам турган эди. Асқаржон кўлига гугуртни олди. Дала-си сигарета чеккан пайтида уни қандай қилиб ёққанини кўрган эди. Отасига тақлид қилиб битта гугурт донасини ёқиб кўрди. Пов этиб ёнган олов унга қизиқ туюлди. Ёниб турган гугурт чўпини бир оз томоша қилиб тургач уни гиламга ташлади. Кейинги гугурт чўпини олди. Уни ҳам ёқиб ўзи доим севиб ўйнайдиган айиқчасининг устига отди. Бу машғу-

лоти ўзига ёқиб қолди шекилли, кетма-кет гугурт ёқиб ташлай бошлади. Шу орада ўйинчоқ айиқчанинг жунли латтаси тутай бошлади. Ўйиндан зериккан Асқаржон кўрпачага ётганча ухлаб қолди. Астагина тутай бошлаган ўйинчоқ айиқча алангаланиб ёна бошлади. Лекин қаттиқ уйкуга кетган бола бунни сезмади. Айиқчанинг алангаси гиламга, ундан кўрпачага ва уйдаги бошқа жиҳозларга ўтиб кетди. Ошхонада овқат қилиш билан банд бўлган Машкура ҳам уйдаги ёнғинни билмай қолди. Тобора қаттиқ алангаланаётган оловни кўрганида эса, афсуски, кеч бўлган эди. Тилсиз ёв ўзининг маккор қилмишини кўрсатишга улгурганди. Дунё ташвишлари-дан холи, ёлғизликдан толиққан Асқаржон эса тутундан заҳарланиб бепарволикнинг қурбонига айланган эди. Сойибжонлар уйи бир зумда қий-чув бўлиб кетди. Ҳамма ўзича нимадир қилгиси, жабрдийда оилага қўлидан келганча ёрдам бергиси келарди. Машкура эса... Машкура фарзанди ётган уй томон талпинар, уйни,

ёниши мумкин бўлган барча нарсаларини аёвсиз равишда ямлаб ютаётган оловни енгиб ўтолмасди. Кўни-қўшнилари "Асқаржон, болажоним" деб телбаларча у ёқдан бу ёққа югуриб юрган Машкурани ушлаб ёнғиндан нарироқ олиб кетишди. Етиб келган ўт ўчирувчилар ёнғин билан олишиб уни бартараф этишди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, бир бегуноҳ норасиданинг ҳаёт шамлари бевақт сўнди.

Биз болаларни қаровсиз қолдириш қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида биттагина мисолни келтирдик. Хизмат юзасидан тез-тез шаҳримиздаги бир шифохонага бориб тураман. Бу ерда ёнғин оқибатида куйганларга тиббий ёрдам кўрсатилади. У ердаги манзарани, азоб чекаётган инсонларнинг оху фарёдларини тасвирлашга қалам ожиз. Ёнғин дахшатлиси, бу ерда биз юқорида тасвирлаган воқеадагига ўхшаш ота-оналарининг бепарволиги, эътиборсизлиги туфайли жароҳатланган болалар ҳам бор. Ҳар сафар борганимда куйган болаларнинг оналари билан, баъзан уларнинг ўзлари билан суҳбатлашаман. Уларнинг дил изтиробларини тинглаб қалбим ларзага тушади.

Мамлакатимизда фарзандларимизни соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари учун кўп ишлар қилинмоқда. Чунки, фарзандлари соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Ана ўша соғлом фарзандларни эса сизу биз яъни катталар муҳофаза қилишимиз, улар ҳақида қайғуришимиз керак. Шундай экан, фарзандларимизга нисбатан бепарво бўлмайлик, азизлар!

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЁСБ инспектори,
ички хизмат катта
лейтенанти.

"01" хабарлари

● Чилонзор тумани Заргарлик кўчаси, 96-хонадонда ёнғин содир бўлиб, оқибатда томининг бўғот қисми ва уй жиҳозлари оловдан nobуд бўлган. Ёнғ ачинарли-си, ёнғин вақтида уй бекаси ва унинг невараси тан жароҳати олганлар. Ёнғин келиб чиқишига электр иситиш анжомларидан нотўғри фойдаланиш сабаб бўлган.

● Чилонзор мавзесидаги уйлардан бирининг ертўла қисмида ёнғин содир бўлди. Ёнғинни ўчириш вақтида номатълум эркак кишининг жасоди топилиди. Кейинги суриштирув ишларида аниқланишича, ушбу номатълум шахс уй ертўласида ўзига макон топиб, маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолган. Оқибатда ертўлада ёнғин келиб чиқишига ва ўзининг ўлимига сабаб бўлган.

● Пахтабод туманида яшовчи Н. Ҳайитбоевнинг уйда ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида ўт ўчириш қисмининг алоқа марказига хабар тушди. Ўт ўчирувчилар ёнғин содир бўлган жойга етиб келишганда хоналарнинг деярли барчаси тутун аралаш ёнғин ичида қолган. Ўт ўчирувчиларнинг ҳара-

кати билан офат бир неча дақиқалардан сўнг бутунлай бартараф этилди. Аммо уйнинг том қисми ҳамда қисман уй жиҳозлари зарарланди.

● Уйчи тумани Ҳизиробод кўчасида истиқомат қилувчи Х. Умаровлар хонадони ошхонасида чиққан ёнғин ҳовлидаги бошқа иморатларга ҳам ўтди ва уй эгасига катта миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келди.

● Шайхонтоҳур тумани Шохидонтёпа кўчасида жойлашган фуқаро Н. Нуриддиновлар хонадонидида ёнғин содир бўлиб, уйнинг томи ҳамда уй жиҳозлари ёниб кетишига сигарет чекиб, қолдигини ўчирмасдан дуч келган жойга ташланганлиги сабаб бўлган. Уйлар бир бирига яқин жойлашгани туфайли қўшни хонадонлар, иморатларнинг том қисми ёниб кетди.

● Ховос тумани Қайирма қишлоғида яшовчи фуқаро Турдибековнинг хонадонидида содир бўлган ёнғинга эса узлуксиз узоқ вақт фойдаланилиб, қизиб кетган телевизорнинг портлаши сабаб бўлган. Оқибатда уйнинг

шифт қисми ёнган. Портлаш оқибати ёнғинга айланган ушбу офат уй эгасига 50.000 сўмдан зиёд моддий зарар етказди.

● Фарғона шаҳар Аҳмедов кўчасида жойлашган уйлардан бирида истиқомат қилувчи Эгамбердиевнинг 10 ёшли қизчаси Умида ошхонада газ плитасидан фойдаланиш вақтида ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилмагани оқибатида, газ-ҳаво аралашмаси гугурт ёқилиши натижасида чакнаб кетган. Кўнгилсизлик оқибатида қизча оловдан куйиб, касалхонага ётқизилган.

● Давлатобод тумани, Нилуфар кўчасида яшовчи Ж. Турғуновга қарашли "Нексия" русумли автомашинада электр симларнинг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида машинанинг мотор қисми зарарланган. Автомашинасини сақлаб қолиш мақсадида ўз кучи билан алангани ўчирмоқчи бўлган Ж. Турғунов эҳтиётсизлиги оқибатида куйиш тан жароҳати олди.

Д. ҚАМБАРОВ,
Д. БЕРДИЕВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Денов тумани ИИБ томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Усмон Эшматович ШОЙМАРДОНОВ, 1971 йилда туғилган, Узун тумани "Серҳаркат" жамоа хўжалигида яшаган.



Барат Солиевич МУХАМАДИЕВ, 1958 йилда туғилган, Денов тумани "Хазарбоғ" жамоа хўжалиги 2-бўлимида яшаган.



Аваз Тўхтаевич АЛЛО-НОВ, 1962 йилда туғилган, Денов шаҳри К. Каримов кўчаси 51-уйда яшаган.



Тўлқин Ҳалимович ҚОСИМОВ, 1970 йилда туғилган, Денов шаҳри. Ш. Рашидов кўчаси 75-уйда яшаган.



Раҳмат Қурбоналиевич МИРЗАЕВ, 1975 йилда туғилган, Денов шаҳри Ибн Сино кўчаси 18-уй 20-хонадонда яшаган.



Сайфиддин Мўминович МҲМИНОВ, 1967 йилда туғилган, Денов шаҳар А. Авлоний кўчаси 33-уйда яшаган.



Нурмуҳаммад Бўриевич ТОШЕВ, 1978 йилда туғилган, Денов тумани А. Хидояттов номли жамоа хўжалигида яшаган.



Назар Ражабович ЧОРИЕВ, 1951 йилда туғилган, Денов тумани "Наврўз" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшаган.



Усмон Абдурасулович АЛЛАНАЗАРОВ, 1964 йилда туғилган. Денов тумани Бобур номли жамоа хўжалигида яшаган.



Александр Анатольевич ПОПОВ, 1982 йилда туғилган, Денов шаҳри Фурқат кўчаси 2-уй 5-хонадонда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент вилояти ИИБ ҳамда Зангиота тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, милиция кичик сержанти **Холмат Абдубоқиевич УМАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истефодаги милиция капитани, уруш қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси **Ҳамроқул ЖҲРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги милиция полковниги **Анвар Раҳимович ИСМОИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Zokir ATAYEV**

Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir o'rinbosari v. b.)

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari — 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08, 59-20-05

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:
21596000200447980001, MFO 00014.

ABN AMRO Bank HB O'zbekiston A.O.
20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

● Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma № — 2422. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

76 922 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.